

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тасвир

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ.

**ИЗЧИЛЛИК ВА
ҲУЖУМКОРЛИК**
Тошкент вилояти
ички ишлар
бошқармасида олиб
борилаётган ишлар
ҳақида

3-БЕТ.

ЖОНКУЯР УСТОЗ
Эртага — атоқли ҳуқуқшунос
олима Х. Сулаймонова
таваллудининг 80 йиллиги
тантанали
нишонланади.

6-БЕТ.

**АКТЁРЛАР —
МЕҲМОНИМИЗ**
ИИВда Ҳамза
театри ижодий
жамоаси билан
учрашув бўлиб
ўтди

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

ОР-НОМУС УСТУН
КЕЛДИ

1960 йилда туғилган С. С. Ордоқшон қишлоғи тоғ ёнбағрида 1975 йилда туғилган Д. исмли қизни зўрлаб номусига тегмоқчи бўлди. Бироқ ор-номус, шармандалиқдан кўра қотилликни афзал кўрган қиз қўлига пичоқ олиб, палидининг кўкрагига санчди. У ўша ерда жон берди.

Терговни туман прокуратураси олиб борапти.

КАСАЛХОНАГА ЁТҚИЗИЛДИ

Фарғона вилоятининг Қирғули туманидаги Ўзбекистон кўчасида истиқомат қилган нафақадор, 1937 йилда туғилган В.К. уйига маст ҳолда келиб турмуш ўртоғининг қорнига пичоқ уради. Натижада хотин оғир жароҳати билан касалхонага ётқизилади.

В.К. қўлга олинди.

БОЗОРДАГИ МАШМАША

Янгиқўрган туманидаги К. Маркс жамоа ҳўжалигида яшовчи, 29-автокорхона ҳайдовчиси А. Н. нинг Пахтаобод деҳқон бозорида картошка сотиб топган 200 минг сўм пулини номаълум шахс тортиб олиб жуфтани ростлаган.

Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида пул олиб қочган шахс аниқланиб, ушланди. У Ўзбекистон 50 йиллиги кўчасида истиқомат қиладиган, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1970 йилда туғилган К. М. бўлиб чиқди.

Терговни ИИБ олиб борапти.

ТУНДАГИ ЎҒИРЛИК

Тўқимачилик туманида (Бухоро вилояти) номаълум шахс тунда пардозлаш фабрикасига аллақандай йўл билан кириб, у ердан икки дона (уларнинг умумий қиймати 132 минг сўм) тикув машиналарини ўғирлаб кетган. "Тикувчи" қидирилмоқда.

БОСҚИНЧИЛИК

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида яшовчи, "Темур" фирмасининг ишчиси, 1970 йилда туғилган М. М. нинг хонадонига тунда номаълум шахслар бостириб кириб, нунчак билан қўрқитиб, унинг 900 минг сўм пули ҳамда 200 АҚШ долларини олиб кетдилар.

Жабрланувчи бу ҳақда туман ички ишлар бўлимга хабар қилди. Қўрилган тезкор ҳаракатлар туфайли босқинчилар аниқланиб, ушланди. Уларнинг ёнидан уйдан ўғирлаган, пул ва АҚШ доллари далилий ашё сифатида топилди.

ДИЙДОР — 100000 СЎМ

Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлимига "Бўстон" жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи 1940 йилда туғилган А. Х. мурожаат қилди. Унинг айтишича, ҳатбий хизматдаги ўғли номидан нотаниш шахс уйига келиб, фирибгарлик йўли билан 100 минг сўм пулини олиб кетган.

Милиция ходимларининг сазй-ҳаракатлари туфайли фирибгар қўлга олинди. У Жўраев номли жамоа ҳўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган М. Ғ. бўлиб чиқди. Товламачи яқинда қонун йўли билан жазоланишига шак-шубҳа йўқ.

АНҲОРИНИНГ ТИЛИ БЎЛСАЙДИ..

Қарши туманидаги Насаф ҳўжалигида оқиб ўтувчи Қарши анҳоридан оёқ-қўллари боғланган ва чойшабга ўраб, қолга солинган осие миллиятга мансуб 25-30 ёшлар чамасидаги аёлнинг жасади топилди. Аёлнинг шахси ва унинг қотили аниқланмоқда.

Т. МУРОДОВ

ЁШЛАР ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

МУСТАҚИЛ республикамизнинг ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам ўз ўйналиши бор. Тараққиёт сари юз тутган мамлакатда кечаги гап бугун эскиргани каби қонунчиликда ҳам ўзгаришлар бўлишига шак-шубҳа йўқ. Ички ишлар соҳасида ҳам бу бўй кўрсатмоқда.

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти республика олий милиция мактаби мураббийлари билан яқиндан алоқа ўрнатдилар. Яқинда бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ўқув анжумани ўтказишлари ана шу муштаракликнинг исботи бўлди.

Анжуманда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Шавкат Салимов сўзга чиқиб, бир гуруҳ муаллифлар томонидан яратилган "Ички ишлар идораларида бўлғуси мутахассисларнинг шахсини шакллантириш" илмий тўплами бўйича маъруза қилди. Шундан сўнг республика олий милиция мактаби фалсафа кафедрасининг бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор Б. Тўйчиев, шу мактабнинг илмий таҳлилий кафедраси бошлиғи М. Кержнерлар илмий тўпламнинг яратилиши ҳақида маъруза қилишди, еш мутахассисларнинг шахсини шакллантириш борасида нимага эътибор бериш кераклиги ҳусусида тўхталдилар.

Маърузалар юзасидан сўзга чиққанлар еш ва бўлғуси мутахассислар шахсини шакллантириш давр талаби эканлигини, айниқса халқ билан юзма-юз бўлганда уларнинг ўзини тутишларида камчиликлар сезилиб қолаётганлиги, шунингдек, мустақил республикамиз жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик қилаётган ҳозирги шароитда керакли қўлланмалар етарли эмаслигини таъкидлашди.

Тўпланганларнинг саволларига профессор Б. Тўйчиев жавоб бериб, ўринли таклифлар учун миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, яхши таклиф ва мулоҳазалар, тажрибалар асосида тузилган қўлезмаларни олий милиция мактаби раҳбарияти номига юбориш, у ерда фикрларни ўрганиб чиқилишини баён этди.

Республика миқёсида илк бора ўтказилган бу ўқув анжумани барчада чуқур таассурот қолдирди.

У. ҲАЙДАРОВ

ИЗЧИЛЛИК ВА ҲУЖУМКОРЛИК

жиноятчиликка қарши курашда муваффақиятни таъминлайдиган асосий омиллардир, — деб ҳисоблайди Тошкент вилоят ҳокимлиги ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори Н.А.ИСМОИЛОВ.

Республикамиз эришган мустақиллик ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади. Ўзбекистон, унинг халқи табиий бойликларнинг ягона соҳибига айланди, хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик жадал ривожланмоқда, ички барқарорлик ҳукм сурмоқда.

Республикамиз президенти И.А.Каримов ўзининг китоблари ва нутқларида иқтисодиёт сиёсатдан ҳоли, ҳар қандай мафкурадан эркин бўлиши, у ўз қонунлари бўйича ривожланиши керак деб, таъкидлаб келмоқда. Янги иқтисодий тузилмалар ва муносабатлар ривожланиб борадиган бозорга ўтиш даврида давлат, ҳукумат ислохотларнинг кафолотчиси ва ўтказувчиси бўлиши керак. Қонунни ҳурмат қилиш ҳамма нарсадан устун туриши лозим.

Бозорга ўтиш муқаррар, бу — давр талаби, объектив зарурат. Лекин бозор кўзланган бирдан-бир мақсад эмас, балки биринчи навбатда халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш воситасидир. Энг тўғри йўл — миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиётига аста-секин ўтишдир. Бу — узун, мураккаб йўл.

Ҳамдўстлик бўйича баъзи қўшниларимизнинг мисолида кўраётганимиздек, устун жиҳатларни белгиласан туриб "олга қараб шошилиш" ижобий натижалар беради. Уларда иқтисодий барқарорлик издан чиқмоқда. Меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоядан маҳрум бўлмоқдалар.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистонда бозор муносабатларининг босқичма-босқич ривожланиши таъминланаётганини таъкидади. Хусусий мулкчилик шакллари қарор топтиришга йўналтирилган тадбирлар, рақобатни рағбатлантириш, бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулларида воз кечиш, иқтисодий рағбатларни ҳаракатга келтириш ана шундан далолат беради.

Президент ўз асарларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш, айниқса ички ишлар идораларининг вазифаларини белгилашга катта ўрин беради. У қийин шароитларда ишлаётган милиция ходимлари ўзларининг хизмат бурчига содиқ қолиб, жамоат тартибини қўриқлашни таъминлаётганликларини таъкидлайди. Президент ички

ишлар идораларининг бўлинмалари самарали ишлаши учун барча зарур нарсалар билан таъминланишини биринчи навбатдаги вазифа сифатида ажратиб кўрсатади.

Тошкент вилояти ИИБ фаолиятига келганда шунинг таъкидлашни истардим: шахсий таркиб жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш борасида имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқда, "Комплекс", "Тун", "Қорадори", "Ғамхўрлик" ва бошқа шартли ном билан аталган йирик миқёсли тезкор-профилактика тадбирларини ўтказиш давомида куч ва воситалардан режа асосида, мунтазам равишда фойдаланмоқда. Бу тадбирларни бажаришга бошқарманинг ва жойлардаги ички ишлар идораларининг барча ходимлари сафарбар қилинган. Кейинги ойларнинг ўзидагина ҳеч қаерда ишламайдиган уч мингдан ортиқ киши аниқланди, илгари судланган 7115, маъмурий назорат остида бўлган икки мингдан ортиқ кишининг турмуш тарзи текширилди.

(Давоми 2-бетда).



ҲАР БИР содир этилган жиноятни тўлақонли равишда очиш учун жиноят-қидирув хизмати ва криминалистика соҳаси ходимларининг ўзаро ҳамкорликлари муҳим ва зарур. Бу борада Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасида ишлар яхши йўлга қўйилган.

Суратда: шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси тезкор вакили, милиция старшинаси Бахтиёр Бобожонов (чапдан), милиция капитани Федор Большаков, эксперт-криминалист, милиция кичик лейтенанти Вячеслав Ядаевлар доимо ўзаро мулоқотда иш олиб боришга ҳаракат қиладилар.

Сурат муаллифи Е. БОТИРОВ.

ИЗЧИЛЛИК ВА ХУЖУМКОРЛИК

жиноятчиликка қарши курашда муваффақиятни таъминлайдиган асосий омиллардир, — деб ҳисоблайди Тошкент вилоят ҳокимлиги ИИБ бошлиғи, милиция генерал - майори Н.А.ИСМОИЛОВ.



(Боши 1-бетда).

Милиция ходимлари томонидан ғайриқонуний равишда сақланаётган 313 донга ов милтиги мусодара қилинди, гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилувчи 140 дан зиёд киши ҳисобга олинди.

Тезкор тадбирларни ўтказиш натижасида жами 1134 кишидан иборат 341 жиноятчи гуруҳи фотирилди, улар 617 жиноят содир қилган бўлиб, улар орасида саккиз қотиллик, 10 ҳаётга таъвоуз, талон-торож ва қароқчиликнинг 19 факти, давлат ва шахсий мол-мулкни ўғирлашнинг 198 ҳодисаси бор. Дарвоқе, жиноятларни очиш ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 14 фоизга ошди.

Жиноят содир қилишда шубҳаланилган шахслардан ашёвий далил сифатида 62 бирликда турли ўқотар қурол, ўқдорилар, 85 килограмм гиёҳвандлик моддаси, 8 автомашина, икки килограмм қимматбаҳо металл, 20 миллиондан ошдиқ сўм ва валюта маблағлари мусодара қилинди.

Қўлга олинганлар орасида жиноятчилар оламининг нуфузли етакчилари ҳам оз эмас. Улар раҳбарлик қилган жиноятчилар гуруҳлари савдо ва тижорат тузилмалари ходимларидан йирик пул суммаларини таъма қилиш, ўқотар қуролдан фойдаланган ҳолда талончилик билан шуғулланганлар. Таъсир зонаси учун жиноятчи гуруҳларнинг ўзаро тўқнашувлари тез-тез содир бўлиб, уларда бекорга қон тўкилади.

Январда “Салоҳ” лақабли Салоҳиддин К. етакчилик қилган олти кишилик гуруҳи қўлга олинди. “Блеф” лақабли Фахриддин Ш. билан етакчиликни таллашиб, ўч олиш мақсадида улар томонидан қотиллик ва бошқа бир қатор жиноятлар қилинган. Жиноятчилардан икки тўшпонча, қалта милтиқ, бешта ўқотар бошқа қурол тортиб олинди.

Оҳангарон туманида фуқаро Б. дан бир миллион сўм таъма қилаётган вақтида тўрт кишилик

жиноятчилар гуруҳи ушланди. Тинтув вақтида жиноятчилардан қўлбола наган ва 74 патрон топилди.

Вилоят ИИБ ЖКБ тезкор ходимларининг

маҳорат билан режалаштирилган ҳаракатлари натижасида беш кишидан иборат рэкетчилар гуруҳи қўлга олинди. Гуруҳи иштирокчиларидан бирига тегишли бўлган “Мерседес”да учта граната, патронлар, салкам ярим миллион сўм, гиёҳвандлик моддалари топилди. Тергов олиб борилмоқда.

Ангренда узоқ вақтдан бери ўғирлар, автомотоуловни олиб қочувчилар, гиёҳвандлик моддаларини сотувчилар фаолиятини назорат қилиб келган Дамир Д. бошчи бўлган жиноятчилар гуруҳи ушланди, улардан бир килограммга яқин гиёҳвандлик модда, асабни фалаж қиладиган газли баллончалар, ўқдорилар мусодара қилинди.

Агар милиция ходимлари жамоатчиликка таянмаганларида ишлаш оғир бўларди, зеро одамлар билан алоқа қилиш, уларнинг муаммоларини билиш жонли ҳамкорликка чорлайди ва пировард натижада ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, муайян жиноятларни очишга имкон яратади, бунга мисоллар оз эмас. Қуйи Чирчиқ туманида ҳуқуқ маслаҳатчиси А.Нурматовнинг ўлдирилиши ҳаммани изтиробга солди. Ўзига ишониб топширилган ҳудуддаги вазиятни жуда яхши биладиган катта участка нозир, милиция капитани О.Тилегиновнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ана шу оғир жиноятни излари, босилмасдан туриб очишга муваффақ бўлинди. О.Тилегинов ўзининг бенуқсон хизмати билан кишиларнинг ишончига сазовор бўлган, улар нозирга ёрдам бериш учун доимо тайёрлар.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай эмас. Тарбиялаш-профилактика ишларини, уларда жамоатчилик кучлари, меҳнат жамоаларининг профилактика кенгашлари, кўнгилли халқ дружиналари, тартибни муҳофаза қилиш жамоатчилиги пунктлари иштирок этиши шакллари тақомиллаштириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Иқтисодий нобарқарорлик шароитида савдо ва тақсимот соҳасидаги, лавозим ва ҳўжалик юритиш билан боғлиқ жиноятлар алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш йўли билан аниқланган жиноятлар миқдори ўтган йилга қараганда 9,2 фоиз кўпайди, уларга доир жиноий ишлар ҳам анча кўп миқдорда очилди. Шунини таъкидлаш лозимки, жиноятчи гуруҳлар томонидан амалга оширилган жиноятларни очиш икки баробар, алоҳида йирик миқдорда ўғирлашларни фоти этиш 10 баробар, умуман олганда эса кўзгатирилган жиноий ишлар миқдори 7,7 фоиз ўсди.

Йил бошида Зангиота туманидаги “Баракат” колхозда Ҳитойда ишлаб чиқарилган бир талай целлофан қопчалар ўғирлангани, уларнинг нархи анча катталиги ҳақида хабар олинди. Ўз вақтида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Нейматилла К. бошчилик қилган, ўша ерлик кишилардан иборат жиноятчилар гуруҳи фотирилди. Уларнинг уйларида 400860 сўмлик қопчалар топилди ва ашёвий далил сифатида мусодара қилинди.

Чирчиқ шаҳрида камёб дориларни чайқов нархида сотаётганида шу шаҳар фуқароси тиббиёт ходими Владимир С. ушланди. Унинг хизмат кабинетидан ва шахсий автомашинасидан 1680 қути морфин-гидрохлорид, 840 қути омпон ва дорихона мудир билан тил бириктириб олинган камёб дориларни сотишдан тушган 2 миллион сўм топилди.

Паркентдаги шаҳар колхоз бозорида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйининг мудираси Зулфия М. ҳар бир метр бахмални 1650 сўмдан сотаётган пайтида ушланди, ундан 274 метр бахмал топилди. Терговда у Паркент тумани маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг раҳбари П.Ғуломов билан тил бириктиргани аён бўлди, у гўё Самарқанд пиллакашлик корхонасидан олинган 2027 метр сарфлангани тўғрисида қалбаки ҳужжат тўғрिलाган. Зулфия М.нинг ишхонасида 755 минг сўмлик 934 метр бахмал топилди. Уйини тинтув қилиш чоғида жами 118360 сўмлик “Смена” газламаси ўрами, П.Ғуломовнинг уйдан эса 253

метр бахмал, 196 метр хонатлас, 480 метр сатин, 935 метр чит, жами 11 миллион сўмлик мол топилди. Тергов олиб борилмоқда.

Бўка туманининг колхоз бозорида ўтказилган рейд давомида ҳуқуқ-тартибот бузишнинг 30 факти, шу жумладан, ўғирликлар, чайқовчилик, молларни ғайриқонуний тарзда сотиш учун бекитиб қўйишлар аниқланди ва ҳужжатлаштирилди, 5 миллион сўмликдан зиёд моллар мусодара қилинди.

Айрим молларни бериш вақтинчалик чекланганлиги тўғрисида амал қилаётган қонунга қарамай, Олмалик, Ангрен, Чирчиқ тижорат-воситачилик дўконларида, шунингдек Бўка, Тошкент туманларида 1 миллион 2 миллион сўмлик моллар мусодара қилинди, улар аҳолига сотиш учун давлат савдо нуқталарига қайтарилди.

Хусусан Бўка шаҳрида ўз эри билан спиртли ичимликларни ғайриқонуний равишда сотиш билан шуғулланиб келган, “Сабр” хусусий фирмасининг мудираси Райхон А. ушланди. Унинг уйдан уч литрли 88 ва бир литр 1736 банкага қуйиб қўйилган “Чашма” виноси топилди. Бундан ташқари, ҳовлидан ана шу вино солинган 990 литр ситимли идиш топилди.

Терговнинг кўрсатишича, фирма ўз фаолиятини бошлаган пайтда Қибрай туманидаги “Қибрай” жамоа ҳўжалигидан 48 тонна вино, “Жигули” автомашинаси учун ҳар бири 10 минг сўм турадиган 44 покриска, 8 гилам, давлат савдо нуқталарида сотиш учун мўлжалланган жами 4 миллион 500 минг сўмлик мол олган. Ана шу факт бўйича жиноий иш кўзгатирилди.

Шартли равишда “Дарвоза” деб ном олган операция тадбирларида вилоят ички ишлар идораларининг барча хизматлари иштирок этмоқда, бу жиноятнинг олдини эртароқ олиш мақсадида аҳолининг энг кенг қатламларини қамраб олиш имконини беради. Чунончи, “Дарвоза” операцияси ўтказилган 11 кунининг ўзидагина 143 жиноят очилди, жиноят содир қилишда шубҳаланиб 189 киши ушланди, паспорт тартибини бузган салкам 4 минг киши аниқланди, 2440 ноҳуш оила текширилди, вояга етмаган болалар билан ишлаш

назоратларида ҳисобда турадиган 2618 ўсмир ва уларнинг она-оналари билан суҳбатлашилди, ҳуқуқ-тартиботни бузган 1209 ўсмир ИИБга келтирилди. Бундан ташқари, анча миқдори ғайриқонуний равишда сақланаётган қурол мусодара қилинди, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчи бир қанча шахслар ва гиёҳвандлар ҳисобга олинди. Ички ишлар бўлимларига 211 ароқхўр ва дайди, 307 майда чайқовчи, 440 майда безори, 303 “ташмачи” келтирилди, умуман олганда деярли 10 мингта маъмурий баённома тузилди.

Буларнинг ҳаммаси вилоятда тезкор вазиятнинг барқарорлашувида таъсир этди ва аҳолида ижобий акс садо уйғотди. Ана шу йўналишдаги ишларни давом эттираямиз.

Ички ишлар идораларига вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат тузилмалари, маҳалла қўмиталари томонидан кўрсатилаётган катта эътиборни таъкидламасдан бўлмайди. Уларнинг иштироки бўлмаганида фаолиятимиз самарадорлиги албатта, камроқ бўларди.

Жамоат тартибини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши ҳужумкор кураш республика ички ишлар идораларининг асосий вазифалари бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда, уларни ҳал этишда Тошкент вилояти ИИБ шахсий таркиби гоятда фаол иштирок этмоқда.

Президент И.А.Кармовнинг мададини, унинг қонунни ҳурмат қилиш принципини қарор топтириш, мустақил Ўзбекистон фуқаролари ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма соҳаларида ҳуқуққа қарши ҳолатларни тағ-томири билан барҳам топтириш борасидаги қатъиятини ҳис этаётган милиция ходимлари дадил ва ишонч билан ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун уларда ҳамма нарсаси бор, ҳуқуқни бузишларнинг олдини олиш ишида жамоатчиликнинг фаоллиги ошса, ана шу кўп қиррали ишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, вазирликларнинг ҳаммаси қўшилса, ўз кучларини жипслаштирса, ишончим комилки, яхши натижалар тезда қўлга киритилади.

НИҚОБ — ЛАҚАБ

Янгийўл шаҳрида ҳаёт осойишта бўлиб қолди, деб таъкидлашади шаҳарликлар. Бу шунчаки сўзлар эмас. Кейинги йиллар ичида бу ерда тамагирлик қилиш, босқинлар, кўчада гуруҳбозлик мушталлашлари миқдори камайди.

Бунга эришишда бир неча ой давомида шаҳардаги криминоген ҳолатни синчиклаб ўрганиб, жиноятчиларнинг обрўманд етакчиларини аниқлаган ички ишлар идоралари ходимларининг кунни кун демай, тунни тун демай қилган меҳнатлари катта роль ўйнайди. Милиция майори Абдулхай Пирназаров бошчилик қилаётган жиноят-қидирув бўлимида иш режаси тузилиб, унга биринчи навбатда 1952 йилда тутилган, Стекольная кўчасида яшовчи, илгари уч марта судланган Рафик Шегвалиевнинг фамилияси ёзиб қўйилди. Жиноятчилар обрўманд етакчиларнинг раҳбари бўлган, “Рафа” лақаби билан иш тутган бу кимса ўғирларнинг қондалари бўйича ажрим қилар, ҳатто босқинчилик ва зўравонлик оламига ҳеч ҳам даҳди бўлмаган кишилар ҳам унга мурожаат қилишни маслаҳат берган вақтлар бўлган

эди. “Рафа” ажрими учун ҳақ оларди. Анъанавий “ажримлар” иккала томондан “иш” учун муайян чўтал оладилар. Одатда иккинчи марта ажримни ҳеч ким хоҳламайди. “Рафа” қандай ажрим қилишидан қатъи назар, иккала томон ҳам чув тушарди. Агар ранжитган ва азият чеккан томонлар ажримнинг “иши”га ҳақ тўлаш учун маблағ топмасалар, куч ишлатиш механизми ишга тушарди, бу нарсаси “Рафа”нинг командасида жуда тақомиллаштирилган эди.

Жиноятчилардан нафақат айрим фуқаролар, балки савдо, умумий овқатланиш ходимлари ҳам зир титрашарди.

— Шуниси таажжубланарлики, — дейишади шаҳар ИИБ ходимлари, — рэкетдан азият чекканлар милицияга мурожаат қилишмасди. Шу даражада чўчиб қолишган эди. Пулни жиноятчилар қўлига индамай тутқазишарди, улар эса бу

пулга кайф-сафо қилишарди. “Рафа”нинг гуруҳи гиёҳвандлик ботқоғига ботди, уларга пул кўп керак бўларди. Ҳеч қаерда ишламайдиган гиёҳвандларда эса доим пул бўларди. Қаердан олишганини яхши биласиз.

Жиноятчилар лақаб беришда унчалик бош қотириб ўтирмайди. Рафикнинг исмидан “Рафа”, 1953 йилда тутилган, Чимкентдан гастролга келган, ҳеч қаерда ишламайдиган Маҳмуд Ахроровдан “Моха”, қочиб юрган Тохир Кдан эса “Тоха” лақаблари пайдо қилинган. Тўғри, бошқача лақаблар ҳам бор. Сафрон Ким — “Союзник”, илгари тўрт марта судланган Бахтиёр Бобонозов — “Чунча”, Наримон Абибуллаев — “Фашист”, мол ўғриси Рустам Бўтаев — “Дайди”.

Ана шу “Рафа”, “Моха”, “Чунча”, “Фашист”лар энди кишиларнинг тинч ҳаётига оғу солмайдилар, улар навбатдаги қамоқ муддатини ўташмоқда.

Тезкор ахборотга қараганда улар шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ушландилар ва одил жазодан қочиб қутулмадилар. Уларни ушлашда, шаҳар ИИБ бошлигининг тезкор иш бўйича ўринбосари, милиция майори Аъзам Айдаров, ЖКБ бошлиғи, милиция майори Абдулхай Пирназаров, ЖКБ тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Ботир Абдурахимов, шаҳар ИИБ терговчиси, милиция майори Ҳасан Бухоров, участка вакили, милиция катта лейтенанти Мамадиер Машарипов кишиларни деб ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб, иштирок этдилар. Шаҳар ички ишлар бўлимининг барча ходимлари ҳам фидокорлик намуналарини кўрсатдилар.

Янгийўл аҳолисини қўрқитиб келган жиноят оламининг тўққиз обрўманд етакчисининг ишини апрелда халқ суди кўрди. Милиция кийимидagi кишилар учун эса дам олиш кунлари йўқ. Улар юртдошларининг осойишталигини кўзлаган ҳолда жамоат тартибини қўриқламоқдалар.

М. СУЛАЙМОНОВ.

**Эртага —
аҳоқли
хуқуқшунос
олима Хадича
Сулаймонова
таваллудининг
80 йиллиги
тантанали
нишонланади**



БИРИНЧИ ХУҚУҚШУНОС АЁЛ

Бу олиманинг номи республикада эмас, ундан олисларда ҳам яхши таниш. Хадича Сулаймонова ўзбек хотин-қизлари ичида юриспруденция бўйича биринчи мутахассис, юридик фанлар доктори, республика миқёсида Фанлар академиясининг академиги бўлди, у Ўзбекистонда хуқуқ фанини ривожлантириш ва қонун чиқаришни такомиллаштириш учун жуда кўп ишларни амалга оширди.

У 1913 йил 3 июлда Андижон Сулаймон Келгинбоев оиласида дунёга келди. Чоризм ҳукмронлиги даврида қарвонсаройда хизматкорлик қилган отаси 1917 йилдан сўнг Андижон уезд-шаҳар шўроси ижроқўми миллатлар ишлари бўйича бўлимнинг таржимони вазифасидан Фаргона вилояти Сулонобод участкасининг ҳарбий комиссари лавозимига қадар йўлни босиб ўтган эди. Отаси фуқаролар урушида ҳалок бўлганида Хадича энди 6 ёшга тулган эди.

Хадича Сулаймонова мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ юрист бўлишни орзу қилган эди. Бу орзу қизни Жаҳон Обидова номли Совет қурилиши ва хуқуқи олийгоҳига етказди. Олийгоҳга республика Халқ Комиссарлари Кенгашининг Раиси Файзулла Хўжаев ўриндошлик йўли билан директорлик қилганлиги унинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида қандай катта роль ўйнаганлигидан гувоҳлик беради. Олийгоҳни тугатганидан сўнг Х. Сулаймонова халқ судьяси, 1935 йилда эса Республика Олий судининг аъзоси қилиб сайланади.

1938 йили қобилиятли юрист Москва юридик олийгоҳининг аспирантурасига юборилади. Уни муваффақият билан тугаллаган Хадича Сулаймонова юриспруденция соҳасида фан номзоди илмий даражасини олган биринчи ўзбек қизи бўлди. 1945 йил сентябрда у Тошкент юридик олийгоҳи жиноий хуқуқ кафедрасининг муdiri қилиб тайинланди. Ўз тажриба ва билимларини еш юристларга ўргатаркан, у ўзи танлаган соҳада билимини ошира борди. 1948 йилда Х. Сулаймонова СССР хуқуқ олийгоҳининг докторантурасига

қабул қилинди. Унинг Ўзбекистондаги жиноий хуқуқ тарихига бағишланган катта ҳажмдаги тадқиқоти докторлик диссертацияси учун асос бўлди, бу асар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

1954 йили Хадича Сулаймонова Тошкент юридик олийгоҳининг директори бўлди, 1956 йилда эса у Республика миқёсининг адлия вазири этиб тайинланди. У ўзбек тилида яратилган жиноий хуқуққа доир биринчи дарсликнинг етакчи муаллифи ва муҳаррири бўлди. Хадича Сулаймонова ҳозир унинг номи билан аталган Тошкент суд-тиббий экспертизаси илмий-тадқиқот илмгоҳини бунёд этишда гоёт фаол иштирок этди. Унинг иштирокида 1960 йили республиканинг Жиноят ва Жиноят-процессуал Мажмуалари ишлаб чиқилди. Хадича Сулаймонова юридик комиссия раиси, Республика Олий судининг раиси этиб сайланганлиги унинг юриспруденция соҳасида шубҳасиз катта обрўга эга бўлганлигидан гувоҳлик беради. Академик Сулаймонова минглаб мураккаб жиноий ишларни текширган, доимо адолатни ҳимоя қилиб келган.

Унинг меҳнати ҳукуматнинг кўплаб мукофотлари билан тақдирланган. Улар орасида иккита "Хурмат белгиси" ордени, "Улуғ Ватан уруши даврида меҳнатдаги жасорати учун" медали, Республика Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий ерликлари бор. Хадича Сулаймонова хуқуқ масалалари бўйича халқаро симпозиумлар ўтказилган АКШ, Япония, дуненинг кўпгина бошқа мамлакатларида республика юриспруденциясининг вакили бўлган эди.

У 1965 йил 26 ноябрда вафот этди. Тошкентдаги марказий кўчалардан бири Хадича Сулаймонованинг номи билан аталган. Унинг илмий асарларини бугунги кунда ҳам бўлажак хуқуқшунослар кунт билан ўрганмоқдалар, улар ўз ҳаётини адолат учун курашга бағишлаган, ўзбек хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан биринчи академикнинг ишини давом эттирадilar.

С. НЕЛИН.

ЖОНКУЯР УСТОЗ

Ҳар бир кишининг тақдири ўз ҳаёти йўлида, туб бурилишларида ва сўқмоқларида кимлар билан учрагани, кимлардан маънавий озуқа олганига боғлиқ. Шу жиҳатдан Хадича опадан таҳсил олишга муяссар бўлганимдан гоётда мамнунман. Бу улуғ инсон билан ҳамнафас ва ҳамсухбат бўлган лаҳзаларни энг бахтли онлар деб ҳисоблайман.

Албатта, барча мураббийларнинг ҳам хизмати мадҳияга лойиқ. Уларни улуғлаб ҳазрат Мир Алишер Навоий шундай деганлар:

**Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила.**

Бу сермазмун байтнинг дилдан жой олишини ва амалда бажо келтирилишини инсоний фазилатларнинг энг аълоси деб биламан. Ҳарф ўргатиб, менга ҳаётга йўлланма берган мураббийларимдан ҳар бирининг ўз ўрни ва қадри бор. Хадича опа ўз шоғирдларига катта меҳр билан қарар ва уларни мунтазам кузатиб турар эди. У киши менга билим бериш билан чекланмай, келажакимни илм-маърифат билан боғлашга сабабчи бўлдилар, илм даргоҳининг эшигини очиб, унга киришга кўмаклашдилар.

Опа ўз ўқувчи-шоғирдларига ҳар бир инсон, воқеа ва нарсани солиштириб, бошқалардан тафовутини билишга ўргатардилар. Ҳа, умринингда неки учратсанг, уни бошқалар билан таққослайсан, умрининг ҳам ҳар бир ўтган онига таққослаб баҳо берасан. Шукр қилишнинг мазмуни ҳам ана шундан иборат бўлса керак.

Ёдимда, жиноят хуқуқидан имтиҳонда менинг берган жавобларим опани тўла қаноатлантирмади. Чунки "охирги зарурат" муаммоси совет қонунларида қандай баён этилганини сўзлаб берсамда, унинг ажнабий қонунларда қай тартибда ҳал қилинганини таққослаб беролмаган эдим. Опанинг танбеҳи мени имтиҳондан сўнг ҳам шу мавзунга яна чуқурроқ ўрганишга чорлади.

Ҳаёт тақозоси билан ССР Иттифоқи Олий суди Республика миқёсида Олий суди пленумининг 1990 йил 20 июлдаги "пахта" ишларига оид қарорини ноҳақ бекор этганидан газабланиб, рад хати битазтганимда ўша имтиҳондаги талаб нақадар ўринли эканлиги яна хотиримга келди. Дарҳақиқат, бир томондан пахта тайёрлаш тўғрисида рақамларни ошириб ёзиш, иккинчи томондан умуминсоний қадриятларни асраш учун охирги зарурий чоралар, ноилжонлик! Иккисини таққослаб

кўринг! Уларга баҳо беришда "марказдаги адолат пешволари" атайин қилган хато пахтакорларимизга ва умуман ўзбек элига нақадар қимматга тушди.

Хадича опанинг ҳаётини муаммоларни ҳал қилиш ва йўл танлашда таққослашнинг нақадар аҳамиятли экани ҳақидаги ўғити менинг Санкт-Петербургга ўқишга боришим билан боғлиқ. Опа институтни битиргач, аспирантурага киришимни кутган эканлар. Мен эса прокуратурага ишга юборилдим. Уч йил туман прокуратураларида ишлаб, етти йилдирки, республикада муҳим ишлар терговчиси эдим. Ишимдан мамнун эдим. Лекин Хадича опа мени учратиб қолиб, аспирантурага киришимни маслаҳат бердилар. Мен рози бўлиб ўқишга жазм қилдим. Кириш имтиҳонларини топшириб, аспирантурага қабул қилиндим. Республика Прокурори Мурот ака Шералиев мутахассис ходимларнинг танқислигини айтиб, менинг ўқишга кетишимга рози бўлмадилар. Мурот акани жуда ҳурмат қилардим. У киши ҳам менга ишонар эдилар. Мен иккилашиб турганимда Хадича опа аввало менинг илмий ишда бўлишим ҳар жиҳатдан айна мударо экани, республикада ҳали бирорта ҳам криминалист фан номзоди йўқлигини тушунтириб, ўқишга сафарбар қилдилар. Сўнггра Мурот Шералиевга телефон орқали ўта майинлик билан ва айна вақтда қатъийлик билан: "Ўз идорангиз манфаатини эмас, имкон борида фанни ривожлантириш манфаатларини кўзласангиз дуруст бўлар эди" деган мазмунда узоқ гаплашишди ва у кишини кўндирди. Бу ерда ҳам Хадича опанинг таққослаш маҳорати муаммонинг тўғри ҳал этилишига имкон берди. Шу боисдан илмий-педагогик ишларимда нимага эришган бўлсам, унда Хадича опанинг ҳам ҳиссаси бор десам муболаға бўлмайди.

Хадича опа Республика миқёсида хуқуқшуносликнинг равнақи йўлида қанчалик жонбозлик кўрсатганлари тўғрисида кўп сатрлар ёзилган. У киши илм йўлига кирган ҳар бир ёш ходимдан ўзини қарздор, уни қўллаб-қувватлашни ўзининг бурчи деб ҳис қилар эдилар. Ҳам илмий, ҳам давлат ишлари билан ўта банд бўлганлари ҳолда, 1961 йили хўтин-қизлар байрами арафасида мен фан номзоди илмий даражасини ҳимоя қилишимга бағишланган кенгашда қатнашиш ва оппонентлик қилиш учун Санкт-Петербургга махсус сафар

қилгани ана шу ҳиссиётнинг исботидан бир мисолдир.

Хадича опа на фақат хуқуқшунослик фани, балки умуман хуқуқий муҳит тўғрисида, адолат ва қонунчилик тўғрисида, ғамхўрлик қилар эди. Айниқса умрининг охирида қонунларимизни такомиллаштириш учун барчамизни сафарбар этди. 1959 ва 1952 йиллардаги умумиттифоқ анжуманларига айланган Тошкент ййгилишларини ҳозиргача хуқуқшуносларимиз кўмсайдилар ва орзу қилдилар. Ўша йилларда қонунларни такомиллаштириш йўлида академик фан равнақини кўзлаб жиддий ташкилий ишлар амалга оширилди. Республика Олий Кенгаши Раёсати таркибида Юридик бўлим барпо этилди. 1965 йил октябрда мени Олий Кенгаш Раёсати Раиси Ёдгор опа Насриддинова ўз ҳузурларига чорлади ва шу бўлимга бошчилик қилишни таклиф қилди. Мен бирмунча сабабларни рўқач қилиб рози бўлмадим. Ёдгор опа: "Яхши ўйлаб кўринг. Бир ҳафтадан сўнг менга розилигингизни айтиш учун келинг", — деди. Мен "Рози бўлмасам ҳам албатта келаман", — деб жавоб бердим. Бир ҳафта ўтгач, яна Ёдгор Содиқовнинг хоналарига кириб бордим ва рад жавобимни қайтардим. У киши жиддийлашиб: "Хадича Сулаймонованинг таклифи эди бу. Устозингиз бўлади-я. Аҳволи оғир эканидан ҳам хабарингиз бор. Мен унга нима деб жавоб берай?" — дейишлари биланок, қаттиқ изтироб чекдим ва: "Устоз нимани лойиқ топсалар, шу. Мен у кишининг сўзларини ҳеч қайтармаганман", дедим. Бу ҳам менинг ҳаётимда жиддий бурилишга сабаб бўлди. Яхшими, ёмонми, ўша даргоҳда қарийб ўн йил хизмат қилдим.

Афсус, қонун чиқарув идорасида қилган ишларимдан устозга бевосита ҳисоб беролмадим. Шу лавозимда ишлай бошлаганимдан қарийб бир ой ўтгач, Ё. С. Насриддинова СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари сифатида Кремлда ишлар, мен эса у ерда иш ўрганиб юрган эдим. Эрталаб Ёдгор Содиқовна ўз хизмат хонасига чақириб: "Опа оламдан ўтибдилар", — дедилар ва мени шу кунгиде Тошкентга таъзияга жўнатдилар.

Бунга 28 йил бўлди. Ношукрлик бўлса-да, айтаман, шу давр ичида хуқуқшунослик фани ва амалиёти учун Хадича опадек жонкуяр раҳнамони учратмадим.

Гофур АБДУМАЖИДОВ.

ОТА ИЗИДАН

Алижоннинг кечагидек ёдида, 1979 йилнинг қаҳратон қиш кунлари эди. Уйларида отасининг қуролдош дўстларидан бири меҳмонга келган, уларнинг суҳбати айнаи қўр олиб, ош сузилиб келинаётган бир пайтда тўсатдан дарвоза устма-уст тақиллаб қолди.

Келган киши Будённий давлат хўжалигининг Чуянли қишлоғида бир кишини чавоқлаб кетганлигини ҳаяжон билан гапирди. Қишлоқ оқсоқоли участка вакилини тезда чақириб келишини тайинлаб от миндириб юборибди.

Ош ошлиғида қолди, Назар ака тезда отланиб, жиноят содир этилган тоғ қишлоғига жўнаб кетди. Шу кетганича уч кундан сўнг уйига кириб келди. Жиноятчи тоққа қочиб, яширинган, пистирмада уч кун унинг йўлини пойлаб, қўлга олган ва милиция бўлимига топшириб келган экан.

Шу-шу бўлдию, Алижоннинг қалбида милицияда ишлаш иштиёқи турғун ура бошлади. Алижон 1977 йилда Яқкабоғ тумани ички ишлар бўлимига патруль хизмати милиционерли вазифасига қабул қилинди. Орадан бир йил ўтгандан сўнг йўл назорати назоратчиси вазифасига

ўтказилди. Тез орада ўзининг ҳалол хизмати, меҳнатсеварлиги билан жамоа ўртасида обрў қозонди. 1986-87 йилларда давлат ёнгин назорати назоратчиси вазифаларида сидқидилдан хизмат қилди. Шу йилларда эски Яқкабоғ қасабасида тез-тез участка вакиллари алмаштирилди эди. Қасабада оператив ҳолат ниҳоятда оғир бўлиб, бир қанча жиноятчилар очилмасдан қолган, жиноятчилар кундуз кунлари ҳам одамларни талаб кетишар эди. Ҳатто участка вакилларининг уйига боришиб, оила аъзоларини қўрқитишар, аҳвол уларни калтаклашгача борган эди. Янги иш бошлаган участка вакиллари олти ой ишламасдан қочиб кетди.

Ички ишлар раҳбарияти, эски Яқкабоғ қасабаси аҳолисининг талабини инobatта олиб, 1987 йилда милиция кичик лейтенанти Алижон Назаровни участка вакили вазифасига тайинлади.

Алижон оқсоқоллар, қасаба фаоллари билан кенгашиб, биргаликда ишлай

бошлади. Хонадонларда бўлиб, ёшлар билан эринмасдан суҳбатлашди. Одамларнинг ишончига кирсанг, улар сенга яқинлашиб, ўзларининг дилидаги гапларини ва маслаҳатларини беришар, кези келганда ёрдамни дариг тутмас экан. Алижон асли шу ерда туғилиб, вояга етган эмасми, унинг пасту баландини, одамларнинг хулқ-атворларини билиши унга қўл келди. Тез фурсатда жиноятчилик камайиб, юқори таҳсиллотларга ариза ёзишларга чек қўйилди. Масалан, 1986 йилда қасаба ҳудудида жами жиноятлар 34 тани тақил қилиб, шулардан 14 таси очилмасдан қолган бўлса 1992 йилда 17 жиноят содир этилиб, шундан иккитагинаси очилмаган. 1993 йилнинг биринчи чорағида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Ишлашни хоҳлаган имконият ахтарар деганларидек, Алижон қараб ўтирмади, ишлаш учун шароит яратиб учун елди-югурди. Шинамгина хона таъмирланиб жиҳозланди.

Милициянинг яқин ёрдамчилари гуруҳи тузилиб, навбатчилик тақил қилишда ўзи бош-қош бўлди. Вилоят ички ишлар бошқармасидан сафдан чиққан эски УАЗ-466 машинасини олиб келиб, таъмирлаб хизматда бинойидек фойдаланиб келмоқда.

От изини той босади, деб бежиз айтилмаган экан, отаси ишини давом эттириб, эндиликда эл назарига тушган Алижондан онаси Мусаллам ая бениҳоя хурсанд, отаси ўлмаган экан, деб фахрланиб юради.

Алижон тўрт нафар фарзанднинг сеvimли отаси. Фарзандлари: Муборак, Мавжуда, Абдурахмон ва Ўзбекжонлар Куйбишев номли ўрта мактабнинг намунали ўқувчилари ҳисобланишади. Турмуш ўртоғи Мушаррам "Баҳор" болалар борчасида мураббия бўлиб ишлайди.

Яқинда Яқкабоғ тумани ички ишлар бўлими шахсий таркиби Алижон Назаровни узоқ вақт самарали, бенуқсон ишлаганидан сўнг нафақага узатди.

Баҳриддин АЛИҚУЛОВ,
милиция майори.

ДУШАНБА

5 ИЮЛЬ

ЎЗТВ 1

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун..." Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Бурч". 18.40 "Сурхон тонги" Телефильм. 18.55 "Назорат ойнаси". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.55 Тижорат канали. "Омад" Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Дутор ва танбур тароналари. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Саноатимиз одимлари". Бахористоннинг нефть қони. 22.00 ЎзТВ хазинасидан. В. Шекспир. "Шоҳ Эдип" Фильм-спектакль. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

18.30 "Ассалому алайкум" (такрор). 19.30 "Ўзбекистон ахбороти (рус тилида)". 19.50 "Миришкорлар". 20.20 "Бизнинг суҳбат". 21.00 "Қурилиш: тажриба ва муаммолар". 21.50 "Ўзбекистон спорти". (рус тилида). 22.20 "Ватандан узокда". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

4.55, 8.20, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 "Яқунлар". 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Тингланг, томоша қилинг...". 8.45 В.Каверин. "Топишмоқ". Болалар учун телеспектакль. 9.50 "Нима? Қаерда? Қачон?". 11.20 "Тол". 11.50 "Ванька" Перидан кўрсатилади.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 Телемист. 15.10 "Иш". 15.20 "Майя арисси". Кўп серияли мультфильм. 16.00 "Санкт-Петербургнинг ок тунлари". Халқаро мусикий фестивал хроникаси. 16.20 "Иқболи кулганда". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Палитра". 17.45 Теннис. Уимблдон турнири. Финал. 18.40 "Тол". 19.10 "Хафтанинг акс садоси". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9-серия. 20.55 Москва кинофестивали кундалиги. 21.10 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таништилади: 21.25 "Матбуот-клуб"нинг дайджести". 23.50 "Ассалому алайкум!". Танаффус пайтида(23.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 Тонгги концерт. 8.15 "Россияда бизнес". 8.45 Камера ўтмишни тадқиқ этади. "Кизил капелла". Хужжатли фильм. 9.40 "Пилигрим". Россия саяхатлар бюроси. 10.25 Устанинг дасхати. "Шон-шухрат йўли". Нина Ананишвили. 11.10 Хонаки экран. "Дахонинг ешлиги". Бадий фильм. 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.00 Кундузги сеанс. "Нукининг саргузаштлари". Бадий фильм. 14.15 "Американинг ёввойи табияти" Кўп серияли телефильм премьераси. 14.45 Янгилар. 15.00 "Бола тилидан". 15.30 "Катта жанжал". 16.00 "Елабуга уезди". 16.15 "45". Публицистик кўрсатув.

17.00 — 18.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.55 Трансросэфир. "Кавказ". агентлиги. 19.40 Душанба кўни детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Сенатор — кино юлдузи ва мафия". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" сериалидан. 20.35 Катталар учун мультфильм. 20.50 Спорт кўрсатуви.

21.00 Туркия телевидениеси. 21.20 Юлдузлар билан суҳбатда. 21.25 Қутқариш хизмати-911. 22.20 "Формула-1" классиди автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Франция гранприси. Манъи-Курдан кўрсатилади.

СЕШАНБА

6 ИЮЛЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон ахбороти". 7.30 Эстрада тароналари. 7.50 "Мутахассис маслаҳати". 8.00 "Билиб қўйган яхши". 8.20 "Гўзал Фаргона водийси". Манзарали фильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

9.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.30 "Тиниб-тинчмаган қариялар". Бадий фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун..." Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" студияси. "Қўғирчоқлар — менинг дўстларим". 18.40 "Тошлар жилоси" Телефильм. 18.55 "Олий таълим янгиланиш йўлида". 19.25 Ёлонлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Сайёра Назирова куйлайди. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Ислохот ҳақида суҳбатлар". 21.40 "Мулоҳаза". Жиззах театри. 22.50 "кундузги сеансга икки билет". Бадий фильм. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

18.30 "Уолт Дисней таништилади...". Мультфильмлар тўплами. 19.20 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 19.50 "Эхтиёт бўлинг, СПИД". 19.50 "Ракслар, рақслар, рақслар...". 21.35 "Суперспорт". 22.20 Ёлонлар. 22.25 "Кинонигоҳ".

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Қувноқ нотачалар". 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.25 "Рус пасторали". Фильм-концерт премьераси (Санкт-Петербург). 9.50 "Олий хиссиёт". Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 1-серия. 10.20 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 9-серия. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс 11.20 "Хазиналар ороли". 4-серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 12.20 Режиссёр Г. Панфилов фильмлари. "Она". 1-фильм. 1-серия. 13.25 Мультфильм.

13.35 "Орзулар хиебони". Екатеринбургдан кўрсатилади. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 14.40 "Адам Смит бойлиги дунёси". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя арисси". Кўп серияли мультфильм. 15.40 А. Штинке. Қадимий стилидаги сюита. 15.55 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 8-кўрсатув. 2-қисм. 16.10 "Рок-сабоқ". 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Таниш нотанишлар" кўрсатувини таништилади. 17.55 "Оддий Мария" кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.40 Москва кинофестивали кундалиги. 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10-серия. 20.55 "Ҳеч нарсга ҳақида репортаж". 21.10 "Матбуот-экспресс". 21.25 "КВН-ассорти". 23.00 Янгилар. 23.35 "Олам дам олишда". 00.15 "Олий хиссиёт". Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 1-серия.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 Трансросэфир. "Ифодаваш". 8.45 Мульти-пульти. 11.00 "К-2" таништилади. "Абзац". 12.15 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.40 Хонаки экран. "Депрессия" Бадий фильм. 1-серия. 14.00 "Депрессия". Бадий фильм. 2-серия. 15.25 Телебиржа. 15.55 Янгилар. 16.10 "Рост" студияси Телемист. 16.40 "Танаффус". Кристиано де Андре (Италия) куйлайди.

17.00 — 19.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 19.05 "Антреприза". Режиссёр

Анатолий Эфрос. 19.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". кўп серияли бадий телефильм премьераси. 188-серия. 20.40 "Жаноблар-ўртоқлар".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 "Асил ҳолича". 22.25 "Арманистон сабоқлари". Видеофильм премьераси. 23.10 "Аляскада кичик мусикий кечалар".

ЧОРШАНБА

7 ИЮЛЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Улч қурбака". Мультфильм. 7.40 "Халқ ижодиети". 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 "Қувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Турк тили. 9.30 "Ёшлик" студияси. "Хунар-хунардан унар". 10.10 "Абитуриент-93". Ижтимоий фанлардан тест топшириқларини бажариш бўйича маслаҳатлар. 10.40 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун..." Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Ишонч". 18.55 "Эл тинчилиги йўлида". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Пиллакорларнинг келгуси йил тарадудди". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Санъат олами". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Қўғирот қўшиқлари". 22.10 Республика газеталарининг шарҳи. 22.20 "Халқа". Бадий фильм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2 18.30 "Хайр, мактаб!". 19.00 "Спринт". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Қизқарли учрашувлар". 21.35 "02" тўлкинида". 21.55 "Капитанга турмушга чиқмоқчиман". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV" 4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультфильм. 8.30 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.20 "Савдо кўприги". 9.50 "Олий хиссиёт". Кўп серияли илмий-оммабоп фильм 2-серия. 10.20 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 10-серия. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс 11.20 "Хазиналар ороли". 4-серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 12.30 Мультфильм. 12.40 режиссёр Г. Панфилов фильмлари. "Она". 1-фильм. 2-серия. 13.45 "Севги олмаси". Хроникал-хужжатли фильм премьераси ("Экран").

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультфильм. 15.30 "Мусикий башорат". Кўп серияли телефильм премьераси. 16.00 Қизлар ўртасидаги сир. 16.20 Парвоздаги уй. кўп серияли мультфильм премьераси. 16.50 Технодром. 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Диаспора" кўрсатувини таништилади. "Пешвоз чиқиб" туркумидан. 18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Миннатара". 19.00 "ТВ версия". "Аср сири". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 11-серия. 20.55 "Телевизион танишув". Ясухиро Нахасоне. 21.55 "Матбуот-экспресс".

22.10 "Санкт-Петербургнинг ок тунлари". Халқаро мусикий фестивал концерт. 2-кун. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар. 00.15 "Кино ва мода". 00.45 "Олий хиссиёт". Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 2-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 Христианлар учун кўрсатув. 8.30 "Арманистон сабоқлари". Видеофильм. 9.15 "Асил ҳолича". 10.10 Ҳақиқатни асровчилар. "Мен сени севгандек, сен ҳам мени сев". 10.40 Татар тароналари янграйди. 11.10 Хонаки экран. "Мemento мори". Бадий фильм. 12.35 Ишдан бўш пайтингизда. "Иш устидан кўрқади". 12.50 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.10 Хонаки экран. "Гўзал Василса". бадий фильм. 14.15 "Параллеллар". 14.30 "Танаффус". 14.40 "03" кўрсатуви. 15.15 "сигнал". 15.30 Янгилар. 15.45 "Тилла шпора". 16.15 "Пигмалион". "Қадамларимнинг товуши..." Дмитрий Краснопевцев. 16.45 "Лада-гол-93".

17.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 "Берилган мавзуга оид спектакль". 20.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм премьераси. 189-серия.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Сизнинг ҳуқуқингиз". 21.45 "Қюшга ҳузурда". 22.15 "Нота бене" студияси. 23.10 Криминал хабарлар экрани. 23.20 Баскетбол шарҳи. 23.50 "Стас Намин маркази" (Эс-Эн-Си) таништилади. "Сарик сувости кемаси клуби".

ПАЙШАНБА

8 ИЮЛЬ

ЎЗТВ 1

6.30 Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Дилга яқин қушиқлар". 7.50 "Мутахассис маслаҳати". 8.00 "Қувноқ болалар". 8.20 "Қучук бола ва эски шиппак". Мультфильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Элга хизмат". 9.20 Араб тили. 9.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.05 "Абитуриент-93". Она тили ва адабиётдан тест топшириқларини бажариш бўйича маслаҳатлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун..." Ахборот кўрсатуви. 18.10 Таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпионати. 18.35 "Олий таълим янгиланиш йўлида". 18.55 "Хусусийлаштириш — давр талаби". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Ғижжак тароналари". Шухрат Йўлдошев. 20.10 Оқшом эртаклари". 20.25 "Қадрият". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Ислохот ҳақида суҳбатлар". 21.40 "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қобулжон Юсупов концерти. 22.20 "Омади" "Чўртан" командир". Бадий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Алла Облабердиева куйлайди". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Иктисодчилар мактаби". 20.30 "Пульс". Хабарлар. 20.45 "Бу оқшомда". 21.55 "Пульс". Хабарлар. 22.10 Ёлонлар 22.15 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультфильм. 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.25 "Барбод бўлган экспедиция". Тюмендан кўрсатади. 10.05 Телефильм премьераси. 10.20 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 11-серия. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс 11.20 "Хазиналар ороли". 4-серияли телевизион фильм. 3-серия. 12.25 Режиссёр Г. Панфилов фильмлари. "Она". 2-фильм. 1-серия. 13.30

"Иктисодиёт. бошқа йўл". Хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя арисси". Кўп серияли мультфильм. 15.40 "Янги номлар". М. Самсонов чалади (виолончель). 15.50 "Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 9-кўрсатув. 16.10 Болалар телевидениеси уюшмаси. 16.40 "... 16 ешгача ва ундан катталар". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "... 16 ешгача ва ундан катталар" (давоми). 17.50 "Мулқдор алифбоси". 18.05 "Оддий Мария". кўп серияли телевизион бадий фильм. премьераси. 18.50 "Театр+ТВ". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.20 "Мосфильм" киностудиясининг 70 йиллигига. "Солдат ҳақида қисса". Бадий фильм. (1959 й.) 21.55 "Олма, Пахса ороли, "егоч гилдирак" ва бошқалар". Мусикий кўрсатув. 22.45 Москва кинофестивали кундалиги. 23.00 Янгилар. 23.40 "Матбуот-экспресс". 23.50 "Шаршаралар ҳаёти". Илмий-оммабоп фильм (Би-Би-Си).

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 Фольклор. "Халқ байрамлари". 8.30 "Русча таширф". 9.00 "Сизга аталган гўлдаста". Халқаро гуллар фестивали. 9.45 Камера ўтмишни тадқиқ этади. "Қизил капелла". 10.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 188 ва 189-сериялар. 12.20 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.45 "Қўшнимиз Жуков. 1945 йилнинг баҳори". 1-кўрсатув. 15.00 "Трансросэфир". Омск телевидениесининг кўрсатуви. 15.50 Янгилар. 10.05 "Рост" студияси. "Крмос сабоқлари". 16.35 "Ишнинг кўзини билган одам".

17.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 190-серия. 20.15 "Маскарад-салат". 20.45 Криминал хабарлар экрани.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида. 21.55 Спорт кўрсатуви. 22.00 "Осойишта уй".

ЖУМА

9 ИЮЛЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Маком куйларидан концерт. 7.50 "Тошкент манзаралари". Телефильм. 8.00 "Халқ миллий уйинлари". 8.20 "Қизча ва кучналар". Мультфильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Ортик Отажонов куйлайди". Фильм-концерт. 9.25 "Қимматга тушган хузур-ҳаловат". Бадий фильм. 10.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 11.00 "Абитуриент-93". Табиий фанлардан тест топшириқларини бажариш бўйича маслаҳатлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун..." Ахборот кўрсатуви. 18.10 Ўсмирлар учун. "Умид учқунлари". 18.55 "Фахрийлар — фахримиз". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Меҳнат — ижтимоий ҳимоя мезони". Меҳнат биржалари фаолиятдан. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув. 22.10 "Кино, кино, кино". 23.10 "Инсон ва замин". Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан кўрсатув. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.
"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Болалар учун фильм. "Чехарда". 9.30 Давлат "Қазаки Россия" ракс ансамблининг концерти.

10.00 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Америка М.Таратута билан". 11.45 "Хаёт икир-чикирлари". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.45 Режиссёр Г.Панфилов фильмлари. "Она". 2-фильм. 2-серия. 13.50 Мультфильм. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Майя араси". Кўп серияли мультфильм. 15.30 Давлатларро "Останкино" телеканали "Дунё томонлари" кўрсатувини таништилади. 16.00 "Эрта кетилан эрта". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.30 Москва кинофестивали кундалиги. 17.45 "Инсон ва қонун". 18.05 "Америка М.Таратута билан". 18.35 Хайрли тун, кичкинтойлар! 18.50 Эълонлар. 18.55 Футбол. Россия чемпионати. "Спартак" (Владикавказ) — "Спартак" (Москва). Владикавказдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.45) — Янгилар. 20.50 "Мўжизалар майдони". 21.45 "Хафтанинг машхур киши". 22.00 "Детективлар клуби"да. "Суни". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 23.00 Янгилар.

"ВИД" таништилади:

23.40 "Сийес бюро". 00.30 "Обоз"нинг махсус сони. 01.10 "Авто-шоу". 01.25 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 "Параллеллар". 8.20 "Катта жанжал". 8.50 "Осийшта уй". 9.45 "Оқ қарға". 10.30 "Ретро-шлягер". 11.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 190-серия. 11.50 "Ўз ишининг усталари". Борис Мессерер. 12.35 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 13.00 "Сизга аталган гулдаста". Халқаро гуллар фестивали. 13.45 Жума кунлари Дисней. "Митти разведкачилар". Бадий фильм. 1-серия. 14.35 "Маршал Жуков. 1945 йилнинг баҳори". 2-кўрсатув. 15.20 Концерт. 15.35 Телебизжа. 16.10 Янгилар. 16.25 "Рост" студияси. "Мусликий синф".

17.00 — 19.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.05 Мультфильм. 19.15 "Фавкуллода ҳодисалар Давлат комитетининг ноёб операцияси". 19.30 "Шаҳарча". Дам олиш кўрсатуви. 19.55 Спорт кўрсатуви. 20.00 "К-2" таништилади. "Халқ фраки".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Кечки салон". 23.00 "Каунтдаун". Оммавий куйлар янгиларлари. 24.00 Тунги сеанс. "Виадук". Бадий фильм (Венгрия).

ШАНБА 10 ИЮЛЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соглом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Бир шин-гил кулги". 7.50 "Шифокор маслаҳати". 8.00 "Дунё воқеалари". 8.15 "Аждаҳо ва куеш". Мультфильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соглом бўлай десангиз...".

9.00 "Кулол ва хумча". Бадий фильм. 10.10 "Алифбо сабоқлари". 10.40 Спорт ҳафтаномаси. 10.55 Болалар учун. "Цирк! Цирк! Цирк!". 11.35 "Иқтисодий ислоҳот — давр талаби". 12.05 "Абитуриент-93". Математикадан тест топшириқларини бажариш бўйича маслаҳатлар. 12.35 "Заманасиз" (қозоқ тилида). 13.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Ўзбекистон — диерин менинг". Адабий-мусликий кўрсатув. 14.10 "Ешлик" студияси. "Сенинг замондошинг".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат гунчалари". 18.30 "Наққош". Телефильм. 18.45 "Тадқиқот ва ҳамкорлик". Тошкент Давлат техника университети. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Нафосат олами". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Тановарлар кечаси". Халқ артисти Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллигига. 21.00

"Туркистон" ахбороти. 21.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Кундузги хотин". Бадий фильм. 22.50 Республика газеталарининг шарҳи. 23.00 "Учрашув". Қибрай тумани меҳнаткашлари хузурида. 24.00 "Тунги ёғду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II 17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

"ОРБИТА IV"

5.45, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 "Матбуот-экспресс". 6.10 "Ишбилармон кишининг шанба тонги". 6.55 Янгилар. 7.30 "Спорт-имконият". 8.05 "Марафон-15" таништилади. 8.30 "Ўз-ўзинга мадад бер". 9.00 "Шанба кунги дастхат". 9.30 "Авиакосмик салон". 9.45 "Мусликий дўкон". 10.25 "Ҳокимият сийсоти". 10.40 Москва кинофестивалининг гала-концерти. 11.55 Актерлар ва тақдирлар. "Вафодорлар". Бадий фильм. 13.35 "Шаҳзода ва Сув париси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 14-серия. 14.00 Янгилар. 14.25 "Шаҳзода ва Сув париси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15-серия. 14.50 "Мулқдор алифбоси". 15.00 "Оқ" студияси. "Биз фажат танишмиз". Телевизион фильм-монография премьераси. 15.40 "Пул ва сиёсат". 16.10 Москва кинофестивали кундалиги. 16.25 "Надежда" радиоси дўстларини тўплайди. Концерт дастури. 17.25 "Ултра-си". Спорт кўрсатуви. 18.05 "Янгра, гармонь!". 18.50 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Хьюстон рицарлари". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-фильм (АҚШ). 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Зангори ва кулранг". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия (АҚШ). 21.15 "Резонанс" студияси таништилади. 21.35 "Брейнинг". 22.25 "Матбуот-экспресс". 22.35 Г.Гаранья раҳбарлигидаги Москва биг-бэнди концерти. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар. 23.55 Охирги киносеанс. "Декалог-II". Бадий фильм. 00.55 "Юлдузлар намоиши". Москва халқаро кинофестивалининг қайта тикланиш жамғармасига тунги хайрия зиёфати.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.55 "Винил чангалзорлари". 8.25 "Рост" студияси. "Биринчи тайм". "Бизнинг "Аралаш". 8.55 "Пилигрим". Россия саёхатлар бюроси. 9.40 XX аср кадрда ва кадр ортда. "Икки шоир илҳом". 10.10 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.

11.05 — 14.20 "ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

11.05 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.15 "Халқлар ва урф-одатлар". 12.00 "Светлида польска". 12.40 "Чинсэн" (корейс тилида). 13.15 "Ҳамдўстлик магистраллари". 13.40 "Американинг миллий галереяси". 14.05 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.20 "Ноу-хау". 14.50 Юбиларнинг фильм жавонидан. Э.Климованинг "Хайрлашув" бадий фильми. 1 ва 2-сериялар.

16.55 — 18.35 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.35 "Чегарасиз футбол". 19.30 "Экзотика". 20.30 "Бола тилидан".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 "Репортер". 21.45 Бир санъаткор театри. Г.Островский. 22.05 "Шарман-шоу". 23.25 Тунги сеанс. "Бир бора алдаб..." Бадий фильм.

ЯКШАНБА 11 ИЮЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалом алайкум".

8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 23-24-сериялар. 10.00 Инглиз тили. 10.30 Болалар учун. "Тонги салом". 11.00 "Ўзбекистон спорт". 11.20 "Яшил чироқ". 12.00 "Ешлик" студияси. "Тежамкорлик сирлари". Ёш оилаларга маслаҳатлар. 12.30 "Тил ҳақидаги

Қонун — амалда". 13.00 "Чорвадор". 13.30 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси "Сўғдиена" ансамблининг концерти. 14.05 "Абитуриент-93". Тошкент алоқа-электротехника институтини. 14.40 Тижорат канали. "Омад". РТД таништилади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!". 18.50 "Ешлик" студияси. "Газалхон ешлигим". 19.30 "Хафтаномаси" (рус тилида). 20.00 "Бухоро қорақўли". Телефильм. 20.10 "Мерос". Амир Темур. 21.00 "Хафтаномаси". 21.40 "Мусликий учрашувлар". Жиззах вилояти. 22.40 "Чегем хангомаси". Бадий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II 7.00—12.00

17.00 — 23.30 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ "ОРБИТА IV"

5.40, 14.15, 17.40 — Кўрсатувлар тартиби. 5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 "Рухни чиниктириш". 6.55 Янгилар. 7.30 "Авто-шоу". 7.45 "Технодром". 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта сахарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 9.00 "Ҳамма уйдалаганда". 9.30 "Спортлото" тиражи. 9.45 "Тонг юлдузи". 10.35 "Соло". 11.00 "Ҳарбий ревью". 11.30 "Пи" белгиси билан. 11.20 "Янги авлод танлайди".

"КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ канали таништилади: 13.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 "Кусто командасининг сувости одессеяси". Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгилар.

14.20 "Саёхатчилар клуби". 15.10 "Хунарли хор бўлмади". 15.15 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина овловчилар". 16.05 "Бу бўлган, бўлганда...". 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 "Панорама". Ҳафталиқ халқаро кўрсатув. 17.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.00 Галина Вишневская "Останкино"да. 19.00 "Де Граншан оиласининг сирлари". Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Якунлар". 21.45 Москва кинофестивали кундалиги. 22.00 Катталар учун мультфильм. 22.15 "Санкт-Петербургнинг оқ тунлари". Халқаро мусликий фестиваль концерти. 3-кун. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар. 24.00 "Катта сайр".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Хайрли тонг. "Европа плюс" кўрсатуви Россия телевидениесининг меҳмони. 7.55 "Қарама-қаршиликлар". 8.35 "Мегаполис".

9.05 — 13.05

"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

9.05 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 9.15 "Ҳамкорлик ва дўстлик самараси". Ўзбекистон Республикасида Покистон элчихонаси очилганлигининг йиллигига. 10.15 "Фильмлар ва томошабинлар. 11.00 "Салом, Франция". Франция мустақиллиги кунига. 12.00 "Торлар кўшиги". 12.45 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

13.05 Кундузги сеанс. "Ота меҳрини кўрмаганлар". Бадий фильм. 14.35 А.Новиков куйлайди. 15.20 Россия қобусномаси. Романовлар сулоласи биографиясидан лавҳалар. 15.55 Волеяб бўйича жаҳон лигасининг биринчилиги. Россия — Греция. 17.25 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни-Пухнинг саргузаштлари". "Қора плашч". 18.15 "Ҳар бир кун байрам". 18.25 "Владимир Познернинг Америкаси". 18.40 "Танаффус". 18.50 "Токио: июлнинг уч кун". 19.10 Эй-Би-Си яқшаб оқшоми. "Кетганига анча бўлган". Бадий фильм.

21.00 — 22.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.10 "Юлдузлар ёйилганда". 23.10 "А" программаси. "Тошкентдан гапирамыз ва кўрсатамыз" дастуридан).

ДАН хабарлари

Фарзандларингиз хаётини сақланг!

Тошкент вилояти ҳудудда шу йилнинг 5 ойи мобайнида 586 та йўлов ҳодисаси рўй берган, шундан 152 таси болалар иштирокида бўлиб, 22 та бола ҳалок бўлди, 149 та бола жароҳатланди.

Албатта, бу рақамларни санаш бизга оғир. Сабаби халқимизнинг "Бир болага етти қўшни ота-онадир" деган жуда ажойиб мақоли бор. Бас, шундай экан, бу мусибатлар биз йўл қўйган хатолар оқибатида бошимизга тушди.

Инсон тугилганида ҳаётнинг пасту-баландликларини тушунавермайди. У, асосан, ҳаётни ўзини ўраб олган атроф-муҳитидан ўрганади. Яъни бизнинг кўчада ўзимизни қандай тутишимиз болаларда акс этади. Биз эса йўл ҳаракати қоидаларини меҳнатқилликни оддий ҳолга айлантириб олганмиз. Гуе ҳайдовчилар педдалларнинг барча инжиқликларини назарга олиб ҳаракат қилишлари шарт. Йўлнинг хоҳлаган жойидан кесиб ўташ, хоҳлаган жойида жамоат уловини кутамиз, светофор чироқларини назарга илмаймиз.

Ўзимизни шундай тутамиз-у лекин фарзандларимизга совуқ шамолни ҳам раво кўрмаймиз. Бу табиий, албатта, чунки ҳаётимизнинг, яшашимизнинг мазмун — фарзандларимизнинг келажигидир. Фарзандларимиз ҳозир ўқув йилини тугатиб, йил бўйи орзу қилган езги таътиллари йўлқазимокда. Афсуски, уларнинг дам олишлари ҳар доим ҳам кўнгулдагидек амалга ошмаётир. Таътил-бошланган 10 кун ичида болалар билан боғлиқ 18 та йўл-улов ҳодисаси қайд этилди, бунда 3 бола ҳалок бўлди, 15 нафари ҳар хил тан жароҳати олди. Бу йўл-улов ҳодисаларининг асосий сабаблари катнов қисмини кесиб ўтиш қоидаларини билмаслик, йўл яқинида ҳар хил ўйинларни ўйнаш, катталарнинг болаларга нисбатан эътиборсизлигидир.

Масалан: Оҳангарон шаҳар Макаров номи 4-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Оксана Мельникова шошалоқлик қилиб, арзимаган дақиқаларни тежайман деб, Цементная кўчаси бўйлаб яқин келиб қолган мотоцикл олдидан кесиб ўтмоқчи бўлади ва мотоциклга урилиб тан жароҳати олади.

Маълумки, болалар йўлнинг бутун вужуди билан берилиб ўйнайди, шунинг учун ҳам улар йўлнинг қатнов қисми яқинида ўйнашлари, айниқса хавфлидир.

Соат 14 ларда Қибрай тумани Май қишлоғида яшовчи, 23-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси Гулноза Байзақова кўчада ўйнаб юриб, яқин келиб қолган ГАЗ-21 белгили автомобилнинг олдидан ўтмоқчи бўлади, лекин кечиккан эди. Автомашинига урилиб тан жароҳати олди. Соат II ларда Паркент тумани "Сўқоқ — Паркент" йўлининг 3-чакиримида, Сўқоқ қишлоғида яшовчи, 1989 йилда тугилган Исмоил Абдужалилов катталар эътиборидан четда қолади ва кўчада ўйнаб юрганда автомашина гилдираги остида қолиб, ҳалок бўлади.

Ҳурматли ота-оналар, маҳалла фаоллари, оталик қорхона раҳбарлари, фарзандларимизни ҳалокатдан сақлайлик десак, келинлар ўзларимиз уларга ўрнатилган қоидаларга риоя қилайлик, ёш авлодга қўнғилли, беҳатар дам олишда шарт-шароит яратиб берайлик.

Йўл ҳаракати қоидаларини буза туриб нафақат ўзининг, балки сизга қараб ҳаётни ўрганаётган фарзандларингиз ҳаётини ҳам хавф остига қўяётганингизни унутмасангиз бўлди.

А. ЭРМАТОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ДАН
бошқармаси ходими.

Муҳими — эҳтиёткорлик

1993 йилнинг 5 ойи мобайнида Жиззах вилояти автомобиль йўларида III та йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлди. Уларда 41 киши ҳалок бўлиб, 120 киши эса ҳар хил даражада тан жароҳати олинди.

Йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилга нисбатан Жиззах шаҳрида, Бахмал, Галлаорол, Пахтакор туманларида ортган.

Ёз фаслининг бошланиши сабабли вилоятимизнинг кўпчилик фуқаролари узоқни яқин қилувчи ихчам мотоцикллардан фойдаланишади. Шаҳар ва туман марказларида ҳаракатдаги турли русумли мотоциклларни учратиш мумкин.

Мотоцикл бошқариш ишончли қўлларда бўлсагина кўнгулсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин. Шунинг учун мотоцикл ҳайдовчисига ҳайдовчилик гувоҳномаси, мотоциклнинг техник паспорти, мошллем (хавфсизлик дубулгаси) бўлиши шарт.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга эга бўлмаган мотоцикл ҳайдовчиларнинг айби билан 5 ой мобайнида 36 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Мотоцикл билан боғлиқ бўлган ҳодисаларда 6 киши ҳалок бўлиб, 29 киши ҳар хил даражадаги тан жароҳати олинган.

Мисоллар келтирамыз. Фориш туманида 1993 йил 15 май куни тахминан соат 5 ларда Киров давлат хўжалиги Учкулоч кон ишлаб чиқариш автомобиль йўлининг 1 километрида давлат белгиси бўлмаган ИЖ-ЮПИТЕР-5 русумли мотоцикл ҳайдовчиси Б. Мингжичетов йўлни кесиб ўтаётган отлар тўдасига бориб урилади. Оқибатда ҳайдовчи ва йўловчи Х. Назарқулов воқеа жойида ҳалок бўлишади.

Галлаорол туманида 1993 йил 14 май куни тахминан соат 19.30 ларда Олмаота-Термиз йўлининг 1021 километрида Галлаорол туманидаги

газлаштириш идорасида электр-пайвандчи бўлиб ишловчи Д. Эшматов ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган ҳолда "Минск" русумли давлат белгиси 03-60 ДДА мотоциклини бошқариб бораётиб йўл чеккасида тўхтаб турган МАЗ-500 русумли автомашинага бориб уриди, оқибатда ҳайдовчи тан жароҳати олади.

Иккала воқеада ҳам мотоцикл ҳайдовчилари наққорон — 21-22 ешлардаги йигитлар бўлишган.

1993 йилнинг 5 ойи мобайнида ДАН ходимлари томонидан автотранспортни маст ҳолатда бошқарган 981 нафар ҳайдовчи тўхтатилган. Спиртли ичимликни хуш кўрувчи ҳайдовчиларни 12 минг сўмдан 30 минг сўмгача бўлган янги жарима миқдори наҳотки чўнтмаса?

Зомин туманида 1993 йил 9 май куни тахминан соат 16.30 ларда Зомин-Култепа йўлининг 7 километрида Зомин матлубот жамиятига қарашли Т-28. Х-4 русумли тракторни бошқариб бораётган трактор ҳайдовчиси И. Давронов мастлик туфайли тракторни бошқара олмайди ва трактор агдарилиб тушади. Оқибатда ундаги йўловчи 28 ешли Б. Ўрошов воқеа жойида ҳалок бўлади.

Шу кунгача вилоятимиз ҳудудида болалар билан боғлиқ 31 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, бу аянчли ҳодисаларда 8 та кичкинтой бевакт ҳалок бўлган ва 24 нафари ҳар хил даражадаги тан жароҳати олинган.

Болаларнинг ёзги таътили бошланди. Сиздан ўтинчимиз, ёш болаларни кўча-кўйда назоратсиз қолдирманг! Ёш болаларнинг автомобиль йўлларида яқин жойларда ҳар хил ўйинлар ташкил этишлари асло йўл қўймайлик. Иложи борица узоқ-яқиндаги дўконларга жўнатманг!

Р. МАМАТОВ,
вилоят ДАН бўлимининг
тарғибот ишлари бўйича катта
поэзири, милиция капитани.

АКТЁРЛАР — МЕХМОНИМИЗ

Ўтган ҳафтанинг жума куни Ички ишлар вазирлиги ходимлари ва Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг ижодий жамоаси ёдида анчагача сақланиб қолса, ажаб эмас. Худди шу куни театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Ички ишлар вазирлигида меҳмон бўлдилар.

Учрашув аввалида таниқли санъаткор Ёқуб Аҳмедов сўзга чиқиб, вазирлик раҳбариятига бугунги учрашувни ташкил этганликларини учун театрининг бутун жамоаси номидан самимий миннатдорчилик билдирди. Ўзларининг айнаи дамда ва келгусида амалга оширажак ишлари, хусусан, ички ишлар идораларининг фаолиятини ёритувчи асарларни саҳналаштириш борасидаги режалари тўғрисида



Ёдгор Саъдиевларнинг завқли ҳангомалари йирилганлар кайфиятини кўтариб юборди.

Учрашув ниҳоясида ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Ҳайдаров меҳмонларга бугунги ажойиб учрашув учун миннатдорчилик билдириб, вазирлик театр жамғармасига 500 минг сўм пул ўтказганлигини маълум қилди. Учрашувда иштирок этаётганларнинг барчаси бу ёрдамни чин дилдан маъқулладилар.

Учрашувдан сўнг меҳмонларни ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. Алматов қабул қилди.

Э. САТТОРОВ.

Суратларда: учрашувдан лавҳалар..


Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



тўхталиб ўтди.

Шунингдек, сўзга чиққан санъатимиз даргалари бўлмиш Сорахоним Эшонтураева, Зикир Муҳаммаджонов, Наби Раҳимов, Яйра Абдуллаевалар ўз дил сўзларини тўлқинланиб изҳор этарканлар, ички ишлар ходимларининг машаққатли меҳнатларини эътироф этиб, уларга оилавий хотиржамлик, хизматларига ривож тиладилар.

Шундан сўнг театр саҳнасида бир неча бор олиб чиқилган спектакллардан парчалар кўрсатилди. Пўлат Саидқосимов, Гулчеҳра Жамилова, Турғун Азизов, Муҳаммадали Абдуқундузов ва бошқаларнинг ижро этган роллари, Наби ака Раҳимовнинг, Эркин Комилов ва



КАМТАРЛИКНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Хизмат тақозоси билан вилоятнинг турли минтақадаги ички ишлар бўлими бошлиқлари, ходимлари билан тез-тез учрашиб туришга тўғри келади.

Айрим бошлиқлар ўзларига юклатилган ишни аъло даражада ташкил этсалар-да, уни матбуотда тарғиб этишни унчалик хуш кўрмайдилар: “Э, буни кўя туринг, ҳозирча панада юрганимиз маъқулроқ” қабилида иш кўрадилар.

Бошқа тоифадаги бошлиқлар эса қилган ишларининг тайини бўлмаса ҳам, ўзларини тарғиб этишга жуда ишқибоз бўладилар.

Аммо Оҳангарон ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Эргаш Эрқаев ҳаракатларида биз ҳар икки тоифадаги бошлиқларнинг яхши хислатлари мужассамлашганлигини кўрдик. У еш, матбуотга қанчалик қизиқмасин, бўлим ишларини ҳам макташга арзигулик даражада ташкил этиб қўйган экан. Биз бунга туман ИИБ ишлари билан дастлабки танишиш жараёнида гувоҳ бўлдик.

ДАН бўлимида бошлиғи, милиция капитани Бахтиёр Хаменовни биз Бескостин номли давлат автомобил нazorати постида учратдик. Бу ерда тўққиз нафар ДАН ходимлари Б. Хаменов раҳбарлигида кичик-кина ҳашар ташкил этиб, постнинг чор-атрофини тозалаб, тартибга келтираётган эканлар.

Дарахтлар таги юмшатилиб, окланаётганини кўриб ҳавасимиз келди.

Шу йилнинг беш ойи давомида туман ҳудудида III та жиноий ҳаракатлар содир этилган бўлиб, шундан 95 таси очилган.

Кейинги пайтда туманда давлат ва фуқаролар шахсий мулкни ўғирлаш бирмунча камайди. Хонадон ўғирлиғи ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан бештага, автомобил ўғирлиғи биттага, қорамол ўғирлиғи эса иккитага камайди.

Ўлим билан боғлиқ бўлган автоҳалокатлар эса тўрттага озаёди. Бироқ безорилик ва гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг сони ўтган йилдагига қараганда бирмунча кўпайди. Лекин бу билан ички ишлар ходимлари ушбу соҳада ишламаяпти, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Туман ички ишлар ходимлари тунни кунга улаб, бу турдаги жиноятларни очиш учун жиддий иш олиб бораётдилар.

Ўтган йили худди шу даврда битта гиёҳвандлик факти очилган бўлса, ҳозир бу факт ўнтага етди.

Шу биргина рақам ички ишлар ходимлари ўтган йилга нисбатан ўн баробар кўп ишлаганини кўрсатиб турибди.

Туманда, айниқса, бадоғатга етмаган ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар анча камайгани бизни қувонтирди.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Н. Исмоиловнинг ташаббуси билан бошланган “Дарвоза” тадбири туман ҳудудида ҳам ўтказилганлиги яхши самаралар берди.

Бу тадбир туфайли тумандаги кўплаб жиноятларнинг олди олинмоқда, жазодан яшириниб юрган жиноятчилар ушланмоқда. Хуллас, меҳнаткаш халқ бу тадбирдан мамнун. Чунки тадбирдан сўнг туманда осойишталик барқарорлашиб бораёпти. Гапимнинг исботи учун мисолларга мурожаат қилмоқчиман.

Бескостин номли ДАН постида ҳайдовчи Эркин Шоимов бошқариб келаётган “Мерседес-бенц” белгили, Э 61-09 ТН давлат рақамли машина (машина фуқаро

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ғофур Абдумажидович Абдумажидовнинг бутун ҳаёти ҳуқуқни муҳофаза қилиш қилиш идораларида ишлаш билан боғлиқ. 1951 йили Тошкент юридик институтини тугатгач, республика прокуратурасида алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи бўлиб ишлади. 1960 йилда Ленинградда (ҳозирги Санкт-Петербургда) фан номзоди бўлиш учун диссертация ҳимоя қилгач, Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий фаолият билан шуғулланди. 1966-1973 йилларда Ғ. Абдумажидов республика Олий Кенгаши Раёсатида юридик бўлими бошқарди, бу ерда меҳнат, ер, оила тўғрисидаги ва бошқа кўплаб қонунларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди.

1974 йилдан ҳозиргача Ғ. Абдумажидов Ўзбекистон Республикаси ИИБ Олий мактабида ишлаб келади, ҳозир у мактаб бошлиғининг фан бўйича ўринбосари. У ўн саккиз йил криминалистика кафедрасига раҳбарлик қилиб, бу ерда педагогика ишини олиб бориш билан биргаликда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва профессор илмий унвонини олди. Ғ. Абдумажидов қонунчиликни мустақамлаш, жиноятларни очиш, тергов давомида фуқаролар кафолати ва эркинлигини кучайтириш, жиноятга доир сиёсатни аниқлаштириш ва инсонпарварлаштиришнинг ҳозирги йўллари ва усулларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш масалаларига тааллуқли 200га яқин илмий асарнинг муаллифи. Унинг кўпгина илмий тавсиялари республика Жиноят-процессуал мажмуасига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга асос қилиб олинди.

1989 йилда Ғ. Абдумажидов Ўзбекистон юристлари уюшмаси раисининг ўринбосари қилиб сайланди. У “Ҳурмат белгиси” ордени билан тақдирланган, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони соҳиби.

Ғофур Абдумажидович, Сизни 65 ёшга тўлганингиз билан табриклаймиз ва Сизга сиҳат-саломатлик, педагогик ҳамда илмий фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МИЛИЦИЯ МАКТАБИНИНГ ЖАМОАСИ.



ФАХРИЙЛИККА КУЗАТИЛДИ

Яқинда Фарғона вилояти ИИБ молия бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Пайғамбарқул Қаҳҳаровни фохрийликка кузатиш маросими бўлиб ўтди.

— Пайғамбарқул Қаҳҳаров 1970 йилдан эътиборан ички ишлар идораларида ишлаб келади, — деди маросимда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи муовини, милиция майори Фуломжон Бобораҳимов. — У вилоят ИИБ ҳамда Марғилон шаҳар ички ишлар бўлимида иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимида (аввалги социалистик мулкни ўғирлашларга қарши кураш бўлимида) ҳалол хизмат қилди. Хизмат фаолиятининг қарийб ярмини молия бўлими бошқарувида сарф этди. Унинг кўп йиллик хизматлари Ўзбекистон республикаси ИИБ ҳамда вилоят бошқармаси томонидан бир неча марта тақдирланган. Пайғамбарқул Қаҳҳаровнинг

кўрагини ватанимизнинг қатор нишонлари беэаб турибди. Бу унинг камтарона меҳнатига берилган баҳодир.

Нотиқ сўзини яқунлар экан, уйдума кўра юбиларга дўппи, тўн кийгизди.

Шундан сўнг бошқарма ИИБ молия бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция катта лейтенанти Нодиржон Ашуров минбарга кўтарилиб, ўз устозига қалб сўзларини изҳор этди.

Тантана сўнгиде милиция подполковниги Пайғамбарқул Қаҳҳаров сўз олиб, ўзига бўлган бундай катта илтифот учун бошқарма раҳбариятига ҳамда йирилган барча ўртоқларга ўзининг миннатдорчилигини изҳор этди.

С. ҚОРАБОЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция лейтенанти.

тиқнинг ўқларидан бир қутти, Эркин Шоимовнинг уйдан бир дона “РГ-5” жанговар гранатаси ва Калашников автоматининг 5 дона ўқи топилди.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларнинг жиноий иши туман халқ судида кўрилиб, бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум этилдилар.

Яна бир мисол: ички ишлар ходимлари навбатдаги тезкор тадбир пайтида зўравонлик билан катта миқдорда пул ундириш-решет билан шуғулланиб келаётган Александр Дан, Владимир Ким, Феликс Пакларни қўлга олдилар.

Туман ички ишлар ходимларининг шу кунларда амалга ошираётган ишлари ҳусусида кўп гапириш мумкин.

Аммо ютуқлар омили нимада экан, деган савол кўндаланг қўйилиши табиий.

Бизнингча, туман ИИБда тартиб-интизом яхши йўлга қўйилгани, ҳар бир ходим ўз зиммасига юкланган вазифани виждонан бажаришга ҳаракат қилаётганидан бўлса ажаб эмас. Энг муҳими, оҳангаронлик ички ишлар ходимлари ютуқлар калити ўз қўлларида эканини чуқур англаб етганга ўхшайдилар.

Х. ОЛЛОНазаров,
Тошкент вилояти ИИБ матбуот гуруҳи раҳбари, милиция майори.

КОМПЬЮТЕРЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Республикамиз мустақилликка эришиши, бозор иқтисодиётининг ривожланиши натижасида халқаро соҳадаги ҳамкорлик ривожланмоқда. Бу нарса ижобий жиҳатлар билан бирга, айни вақтда, бугунги кунда аталаётганидек, яқин ва олисдаги хорижий мамлакатларда ҳаракат қилаётган жиноятчи гуруҳлар, шу жумладан уюшган жиноятчиларнинг алоқа қилиши учун шарт-шароит яратяпти.

Шундан келиб чиқилса, ички ишлар идоралари ва бўлимларини бошқариш жараёни, қабул қилинаётган қарорлар тезкорлигини, турли йўналишдаги тезкор қидирув, профилактика ва излаш тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказишни замонавий электрон-ҳисоблаш техникасини қўлламасдан туриб такомиллаштириб бўлмайди.

Қўйида республика ИИБ ахборот марказининг фаолияти, ана шу бўлинма олдига турган муаммолар, улар қай тарзда ҳал этилаётгани ҳақида сўз юритмоқчимиз.



ЭЛЕКТРОН ПОЧТА ВОСИТАСИДА

— Вазифаларимизни қисқача баён этадиган бўлсак, — дейди ахборот марказининг бошлиғи, ички хизмат полковниги М. Маҳмудов, — буларга ички ишлар идораларида ҳисобга олиш-руйхатдан ўтказиш ишини йўлга қўйиш, жиноятлар ҳисобини олиб бориш, архив ва маълумотлар йиғиш фаолияти, шунингдек ҳисоблаш марказининг фаолиятига дахлдор ишларнинг ҳаммаси кирди.

Жиноятлар ҳисобини олиб бориш бўлими, мисол учун, ўзининг асосий вазифасидан ташқари, шаҳар, туман ички ишлар идораларининг фуқаролар хабар ва аризаларига, ташкилотлар, муассасалар, корхоналарнинг лавозимдор шахслари қилинган жиноятларга қандай муносабат билдирганини қатъиян назорат қилиб боради. Муайян вақт ўтгач милиция ходимлари у еки бу ҳолда қонунга мувофиқ равишда қандай чора курганликлари текширилади. Статистика ва бошқа маълумотлар муайян жиноятларни очишга куч ва воситаларни йўналтириш имконини беради.

Сўнгги вақтда махсус фондлар бўлимининг иши ниҳоятда кўпайди, зеро республикамизга 40-50-йилларда Шимолий Кавказ, Крим ва Волгабўйидан мажбуран кўчирилган кишиларга маълумотномалар беришга, кўпдан-кўп талабномаларга жавоб қилишга тўғри келмоқда. Ана шу фуқароларнинг шикоят ва аризаларига ўз вақтида муносабат билдириш кўп жиҳатдан ходимларимизнинг аниқ-пухта ишлаши ва сезирилгига боғлиқ. Улар ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Турли йўналишлар бўйича олиб бориладиган мавжуд ҳисобга олишлардан фойдаланиш гўяки қисқа муддат ичида тезкор ходимларга, айниқса пинҳона амалга оширилган жиноятларни текширувчи терговчиларга ердан тарқасида зарур ахборот олиш имконини беради.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар: прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати, ҳалқ судлари билан яқиндан алоқа қилинмоқда, бу эса умуман олганда жиноятчиликка қарши курашга доир куч-ҳаракатларни мувофиқлаштириш имконини беради.

Ўтган йили Чўлпонотада МДХ ўн икки мамлакатининг ички ишлар вазирликлари ўртасида ахборот айирбошлаш соҳасида имзоланган битимларга мувофиқ, томонлардаги тезкор маълумот бериш, қидирув, криминалистика ва бошқа ҳисобга олишларда, автоматлаштирилган маълумотлар мажмуалари ва архивларда мавжуд бўлган маълумотларни илтимосномалар бўйича бир-бирларига тақдим этиш

факти муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек иштирокларида мавжуд бўлган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги иш амалиётини акс эттирадиган илмий-техника, ахборот-таҳлилий ва норматив-услубий материалларни айирбошлаш амалга оширилади.

Ички ишлар идораларини компьютерлаштириш, ахборот билан таъминлашни такомиллаштириш, маълумотларни узатишнинг ягона автоматлаштирилган тизимини яратиш соҳасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. Ўз зиммасига тегишли мажбуриятларни олган Россия Ички ишлар вазирлиги МДХ бўйича марказлаштирилган тезкор-маълумот бериш ва дақтилоскопик картотекалар, автоматлаштирилган маълумотлар мажмуаси (банк), криминалистик ва бошқа ҳисобга олишлар, архив ахборотининг соҳиб-ҳисобланади. Бу мажмуага битимни имзоланган томонларнинг ҳар бирдан тушадиган ҳисобга олиш материаллари микдоридан келиб чиқиб ҳиссдор иштирок этиш шаклида эгаллик қилинади. Ягона ахборот маскани, албатта, жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини оширишга кўп жиҳатдан имкон беради.

Шуни таъкидлаш зарурки, бутунги кунда етти вилоят ИИББ ва Тошкент шаҳар ИИББда ҳисоблаш марказлари барпо этилган, улар турли ахборот-излаш тизимларига эга ва улардан самарали фойдаланилмоқда. Шу нарса равшанки, ички ишлар идоралари бўлинмалари шахсий компьютерлар билан жиҳозлангач турли дастурий мажмуалар ва автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ), шунингдек замонавий алоқа ва маълумотларни узатиш воситаларини жадал ишлаб чиқиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш жараёни бошланиб кетди.

Шу йил март ойида Бухорода бўлиб ўтган республика ИИБ Хайъатининг сайёр мажлисида Бухоро вилояти ИИБнинг тезкор хизмат фаолиятида компьютер техникасидан фойдаланиш бўйича иш тажрибаси синчиклаб ўрганилди. У нимадан иборат?

Мисол учун, ана шу вилоят ИИБ тезкор бўлимининг амалий фаолиятини олиб кўрайлик. Воқеа юз берган жойга бораркан, бўлим ходимлари жиноятчиларнинг белгилари, жиноят содир қилиш усуллари ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосида электрон-ҳисоблаш машиналарининг маълумот базаларида изланиш ўтказадилар ва тезкор-қидирув тадбирларини олиб бориш учун тавсиялар оладилар. Компьютер техникасидан фойдаланилиши туфайли бу ерда 1992-1993 йилларда жиноятларнинг очилиши ўртача 70 фоизга, оғир жиноятлар бўйича эса 90 фоизга етди.

Тошкент шаҳар ИИББ, Жиззах, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд

вилоят ИИБларида “Статистика” тизими синаб кўрилмоқда, у жиноятлар, уларни содир қилган шахсларга доир ҳисобга олиш картоткаларига ишлов бериш ва керакли статистика ҳисоботларини тезкор олган ҳолда жиноятга оид ишларни ҳаракатлантириш имконини беради.

Истикболдаги энг яқин вазифамиз — ахборотни қабул қилиш-узатишнинг қозғосиз технологиясига ўтиш, яъни электрон почта воситасида аста-секин локал (маҳаллий) ва олислаштирилган тармоқларни барпо этишдир.

МАҚСАД — ЯГОНА АХБОРОТ ТАРМОҒИГА ЎТИШ

— Газетхонларга тушунарли бўлиши учун муфассал сўз юритишга тўғри келади, — дейди иккинчи суҳбатдошимиз, ҳисоблаш марказининг бошлиғи, ички хизмат подполковниги Р. Йўлдошев. — Чунончи, электрон почта телекоммуникация тизимига асосланган ва шахсий компьютерларнинг ички, шаҳар, шаҳарлараро телефон каналлари бўйича алоқа қилиши учун мўлжалланган. Ахборотни шу тарихи турлича тезликда операторлик режимида ҳам, мустақил режимида ҳам қабул қилса бўлади. Фойдаланувчиларга қўлай бўлиши учун тизимда матн тахрирловчиси ўрнатилган, унинг ёрдамида узатилаётган ёки қабул қилинаётган ахборотни қараб чиқиш, матнли ҳужжатларни териш мумкин. Шовқинлардан ва узатилаётган ахборотга ижозатсиз дахл қилишдан ҳимоялаш мақсадида шовқиндан ҳимояловчи коддан, матнни шифрлаш ва чайқатиш режимида фойдаланиш кўзда тутилган. Яъни хабарлар матнини муайян алгоритмга қўйиш мумкин, бу алгоритмни билмайдиганлар матнни ўқиши мушкул. Электрон почтанинг бундай тизими вилоят бошқармаларини ИИБ билан боғлайди.

Кейинги босқич — локал тармоқларни яратиш. Ҳозирча ана шундай битта тармоқ ИИБнинг ўзида тажриба қилиб кўрилмоқда. У навбатчилар ва жиноят қидирув ходимларига маълумотларнинг марказий мажмуасига мустақил равишда чиқиш ва у ерда зарур ахборотни излаш имконини беради.

Олислаштирилган тармоқ ердамида Тошкент шаҳар ИИББ ва Бухоро вилояти ИИБдан республика ИИБ маълумотлар марказий мажмуасига бевосита улаиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси бир занжирнинг ҳалқалари сифатида охир-оқибатда республика ички ишлар идораларини ахборот билан таъминлашнинг ягона тизимига биришлантириши керак.

Иттифоқ тарқалиб кетгач бизга зарур дастурларнинг келиши тўхтади, шунинг учун яқиндагина республика

ИИБ ахборот марказида турли хизматлар учун компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўлими ташкил этилди. Ҳозирда ҳозирда ҳисобда турувчи шахслар, ўғирланган рақамли буюмлар, фуқаро ва ташкилотларнинг рўйхатга олинган қуроли, очилмаган жиноятларга доир ахборот-излаш карталарини ўз ичига олган “АБД — Ўзбекистон”, “АБД — вилоят” дастурлари мажмуаси тайёрланди ва ишга туширилди.

Шахсий таркиб билан ишлаш хизматлари, тергов идораси ва ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари учун автоматлаштирилган тизимлари ишлаб чиқилмоқда. Республиканинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари шунингдек “Автомобиль”, “Йўл назорати” каби автоматлаштирилган ахборот тизимлари ишлаб чиқилмоқда. Бошлиқни ахборот билан таъминлаш (“Пион”), статистика ҳисоботларига ишлов беришнинг автоматлаштирилган иш жойи (“Арамос”) тизимларидан фойдаланмоқдалар. Улардан фойдаланиш бир хилдаги қўл меҳнатини анча камайтирди, қидирув ишини тезлаштирди, шунингдек зарур ахборотни тез ва ўз вақтида тулдирди шунингдек имконини берди.

Албатта, муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса вилоят ИИБ, шаҳар ва туман ички ишлар идораларида компьютерлар, электрон-ҳисоблаш техникаси камчил, натижада ялли компьютерлаштириш суръатлари сустлашмоқда. Дастурларни ишлаб чиқиш чоғида ягона ёндашувнинг йўқлиги тақдорлашга олиб келмоқда ва фойдаланилаётган дастурларни умумий ахборот-ҳисоблаш тармоғига биришлантириш анча қийинлаштирмоқда. Ички ишлар шаҳар ва туман идораларининг баъзиларида ҳисобга олиш-руйхатдан ўтказиш ва статистика иши бўйича махсус ходимлар йўқ. Кўп ҳолларда ходимларнинг касбий даражаси анча паст, уларни компьютерда ишлаш асосларига ўргатиш лозим. Ана шу мақсадда ИИБ ахборот марказида компьютер синфи жиҳозланди, унда ходимларимиз компьютерни ўрганиш курсини ўтмоқдалар, яқин вақт ичида ахборот марказлари янги ходимларнинг ўқиш графика бўйича ташкил қилинади.

Етарли миқдорда компьютер техникасига эга бўлгандан сўнг кадрларни бир мақсадга йўналтирган ҳолда ўқитиш, яқин истиқболда республика ахборот тармоғини барпо этиш мумкин бўлади, унинг воситасида энг мураккаб тезкор-хизмат вазифалари ҳал қилинади.

Суҳбатдош: А. ВОРГУДЯЕВ
Суратда: Ахборот марказининг бошлиғи, ички хизмат полковниги М. Маҳмудов.
Х. ШОДИЕВ суратга олган.

“Қорадори-93” ХЎЖАКЎР- СИНГАМИ?

Тажрибадан маълумки, гиёҳвандликка ружу қўйган кишилар оиласида нотинчлик ҳукм суради, фарзандлар тарбиясига эътибор берилмайди. Тарбиясиз бола эса юз мақомга йўғалайди, охир-оқибат жиноятга қўл уради.

Вилоятимизда гиёҳвандликка қарши қандай ишлар амалга ошириляптир?

Авваломбор, шуни қайд этиш керакки, вилоят ички ишлар бошқармаси, жойлардаги бўлимлар ходимлари йилнинг ўн икки ойида бу иллатга қарши аёвсиз кураш олиб боришади: рейдлар, тадбирлар ўтказилади.

Яқинда вилоят ИИБ раҳбарияти буйруғига кўра навбатдаги рейд ўтказилди. Рейд давомида вилоятнинг айрим ҳудудларида заҳарли гиёҳлар ўсиб ётгани аниқланди. Биргина Урганч туманининг ўзида 10 дан зиёд заҳарли майдонларга дуч келинди.

Тумандаги С. Қаландаров номили жамоа хўжалигининг 5-бригадасида истиқомат қилувчи Қурбондурди Бозорбоев 244, Отахўжа Қувватов 250, Нуриддин Қувватов 63, Садриддин Нуриддинов 456, Холжон Бойжонова 20, 3-бригадада яшовчи Отабек Воисов 245, Яҳе Матниёзов 266, Зумрад Худойбергенова 21, Қурбонжон Ёкубова 56, Моможон Нурметова 675 квадрат метр жойга кўкнори ўсимлиги экишгани маълум бўлди. Бу шахслар заҳарли гиёҳлар ўстириб, пуллаб, мўмай даромад қилмоқчи бўлишган.

Энди бир мулоҳаза қилайлик: агар бу шахслар томорқаларида, киши билмас овлоқ жойларда ўстираётган заҳарли гиёҳлар ўз вақтида аниқланиб, йўқ қилинмаганда қанча-қанча одамлар бу оғудан “заҳарланиб”, навбатдаги жиноятга қўл урган бўлардилар.

Бизни бир нарса қаттиқ ўйга толдирди: қишлоқ Кенгашларида гиёҳвандликка қарши курашувчи жамоатчилик активлари тузилган. Наҳотки, Кенгаш аъзолари, маҳалла фаоллари юқорида номлари тилга олинган шахслар ўз томорқаларида кўкнор гиёҳларини бемалол ўстириб, парвариш қилаётганларини билмаган бўлишса? Ёки гиёҳвандликка қарши курашувчи жамоатчилик активи хўжақўрсинга тузилганми?

М. НАВРЎЗАЛИЕВ,
Хоразм вилояти ИИБ матбуот гуруҳи йўриқчиси, милиция катта лейтенанти.



Ушбу суратларга боқиб, қачонлардир кадр-қиммати бор-йўғи бир тийин бўлган гугурт билан ҳам чайқовчилик қила бошлашибди, деган фикрга боргандирсиз, ҳойнаҳой. Йўқ. Адашдингиз. Сувқоғозлардаги бу матоҳ гугурт эмас, балки гугурт қутчаларига қойилмақом қилиб жойлаштирилган наркотик моддалардир.

Бу “дори”ларни Деҳқонобод тумани ИИБ ходимлари ақли адашганлардан тортиб олишди. Йигитлар 19 майга ўтар кечаси “24” билан кетаётганларида Чак-Чак постига ушландилар.

Суратларда: Деҳқонобод тумани ИИБ катта терговчиси, милиция капитани А. Зонров айбланувчилардан бирини сўроқ қилмоқда; ашёвий далиллар.

Суратлар муаллифи А. ҲАКИМОВ.



МУСОБАҚАЛАР БУХОРОДА ЎТКАЗИЛДИ

Бухоро вилояти ИИБ спорт залида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги биринчилиги учун қўл кураши бўйича шахсий-команда мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақаларни очар экан, Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник М. С. Собиров меҳмонларга вилоят ИИБда спортни ривожлантириш учун амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди ва мусобақа қатнашчиларининг барчасига омад тилади.

Барча вилоят ички ишлар бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус милиция мактаблари ва алоҳида бошқармалардан ташкил топган 22 жамоанинг 123 қатнашчиси голиблик учун кураш олиб бордилар.

Мусобақаларда қўл кураши бўйича спорт устаси, «Динамо» жамияти чемпиони тошкентлик Ойбек Ҳасанов, шунингдек унинг ҳамшаҳарлари собиқ СССР чемпиони Сергей Ким, икки марта республика чемпиони Иброҳим Нурматов, спорт усталлигига номзод, республика чемпиони Алишер Қодировлар ҳам иштирок этдилар.

Дастлабки мусобақаларни 65 кг. вазндаги спортчилар бошлаб бердилар. Рингга тушган ҳар бир спортчи чиройли ўйин кўрсатишга ҳаракат қилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишга интидилар. Айниқса,



бошлаб юбордик. Мусобақаларни юқори савияда ўтказиш ва спортчиларга барча қулайликларни яратиб бериш учун спорт залини керакли анжомлар билан жиҳозладик. Томошабинларнинг ўйинларни томоша қилишлари учун ҳам имконият яратдик. Ҳакамларни, спортчиларни меҳмонхоналарга жойлаштирдик.

Тарихий обидалар маркази, кўҳна Бухорои шариф билан таништириш учун ҳомийлар тайинладик. Меҳнатимиз зое кетмаганлигидан хурсандмиз.

— **Мусобақаларда бухороликлар катта маҳорат кўрсатишди. Команда аъзоларидан икки киши республика ИИБ чемпиони бўлди. Мусобақаларнинг юқори савияда ўтишида ҳамда команда аъзоларини курашга тайёрлашда кимларнинг ҳиссаси кўпроқ бўлди?**

— Авваламбор шу нарсани таъкидлашим лозимки, вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосари, ички хизмат майори К. М. Ибрагимов, вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ерданчиси, ички хизмат подполковниги М. С. Шомуродов, «Динамо» жамияти раиси ўринбосари, милиция капитани С. Носиров, вилоят ИИБ молия-иқтисод бўлими бошлиғи, милиция капитани Н. Ўриновлар мусобақаларни ўтказишдаги ташкилий ишларда яқиндан ердан берган бўлсалар, жамоамизни мусобақаларга



республика Олий милиция мактаби, Бухоро, Самарқанд жамоалари ўртасида бўлиб ўтган жанглари низоҳатда мurosасиз бўлди. Уч кун давом этган курашлардан сўнг биринчи ўринни республика Олий милиция мактаби, иккинчи ўринни Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси, учинчи ўринни Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси жамоалари эгалладилар. Мусобақаларни кўтаринки руҳда ўтказган самарқандлик Ш. Очилов (65 кг.), бухоролик Н. Адизов (70 кг.), Республика Олий милиция мактаби тингловчиси О. Мамедов (75 кг.), жиззахлик Д. Умаров (80 кг.), бухоролик С. Рустамов (85 кг.), республика Олий милиция мактаби тингловчиси И. Асроров (85 кг. дан юқори вазнда) шахсий беллашувларда голиб чиқдилар.

Мусобақалар тугагач, уни ўтказиш бўйича тайёргарлик кўриш ташкилий кўмитаси раисининг ўринбосари, Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи муовини милиция подполковниги М. И. Исматов билан суҳбатлашдик.

— **Муҳаммад Имомқулович, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қўл кураши бўйича шахсий-команда биринчилигининг Бухорода ўтказилиши шарафли бўлиши билан бир қаторда, катта масъулият ҳам юклайди. Бу мусобақани ўтказиш учун қандай тайёргарлик кўрдингизлар?**

— Бу йилги қўл кураши бўйича ИИБ биринчилигини Бухорода ўтказиш бўйича буйруқ олган кўнимиздан бошлаб, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник М. С. Собиров бошчилигида ташкилий кўмита тузиб, тайёргарлик ишларини



тайёрлашда хизмат кўрсатган спорт устаси, кураш бўйича жаҳон чемпиони С. Қурбонов, спорт устаси, қўл кураши бўйича республика чемпиони, милиция майори С. Раҳимовларнинг хизматлари катта бўлди.

Мусобақаларни бошқариб борган ҳакам Рустам Илҳомовдан мусобақадан олган таассуротлари тўғрисида сўрадик.

— Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти мусобақаларни ўтказиш учун катта тайёргарлик ишларини олиб борган. Ҳакамларнинг ва спортчиларнинг дам олишлари учун барча имкониятлар

яратилган. Мусобақаларни малакали ҳакамлар бошқарди. Улардан айниқса, Ш. Маҳмудов, А. Қодиров, Ю. Росс, Б. Шокиров, Ё. Тиллаевлар бенуқсон ҳакамлик қилдилар. Спортчилар ўйинларга масъулият билан ёндашдилар.

Бу йилги мусобақалар шуни кўрсатдики, ички ишлар ходимларида спортнинг қўл курашига бўлган қизиқиш анча ортган. Спортнинг бу тури ички ишлар ходимлари учун низоҳатда зарур. Жиноятчиликка қарши курашда қўл кураши мукамал ўзлаштирган ходим ўзини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, фуқароларнинг ҳам ҳаётини сақлаб қолади. Спортнинг бу турини ички ишлар ходимлари ўртасида ривожлантириш жиноятчиликка қарши курашда муҳим роль ўйнайди деб, ўйлайман.

Ш. Қўлдошев,

Бухоро вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция майори. Суратларда: мусобақалардан лавҳалар.

Суратларни Е. ЗУЕВ олган.

Қидирилмоқда



Бухоро тумани ИИБ ва прокуратураси томонидан Бухоро туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигининг Кўчки сафед қишлоғида яшовчи, 1963 йилда туғилган **Гулнора Шариповна Болтаева** қидирилмоқда. У 1989 йил 5 августда Бухоро ип йигирув бирлашмасининг поликлиникасига ярасини боғлатиш учун кетаётганини айтиб, эрталаб соат саккизда уйдан чиққанича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 сантиметр, қорачадан келган, сочи қора, жингалак, калта — тахминан 25-50 сантиметр. Юқори жағида тўртта тилла тиши бор.

Хонатлас қўйлак кийган, бош кийимсиз, бармоғида қимматбаҳо қизил тош ўрнатилган тилла узук бўлган, оёғига қизил шиппак кийган.

Алоҳида белгилари: чап оёгининг бармоқлари жарроҳликдан сўнг бинт билан боғланган.

Г. Болтаеванинг қаердалигини билган еки унинг тақдирдан огоҳ бўлган кишилардан Бухоро туманидаги 3-72-13, 2-43-00 телефони, еки «02» телефони орқали хабар қилишларини сўраймиз.

ЭЪЛОН

1993 йилда Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманидаги 64-ўрта мактаб томонидан Дилором Муҳаммадовна Азизова номига берилган АУ 308360 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли;

1993 йилда Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 234-ўрта мактаб томонидан Мавлудaxon Ботировна Тохирова номига берилган АУ 309827 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли;

1993 йилда Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманидаги 192-ўрта мактаб томонидан Алишер Абдурахмонович Камолов номига берилган АУ 314357 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ташкилий-инспекторлик бўлимининг собиқ бошлиғи, милиция полковниги

Мидихат Галламович ХУСАИНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эъйалигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг муҳофазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 448, 34.859 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.